қаерда $p_1 = \mu_1/n_1$ и $p_2 = \mu_2/n_2$ солиштирилган тажриба частоталари ва $p = (\mu_1 + \mu_2)/(n_1 + n_2)$ ҳар икки гуруҳдаги белгининг пайдо бўлишининг ўртача частотаси.

III БОБ. КОРОНАВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ ШИФОХОНАГА ТУШГАНДАГИ КЛИНИК ВА ЛАБОРАТОР ЎЗГАРИШЛАР

§3.1. COVID-19 билан касалланган беморларнинг умумий клиник- эпидемиологик хусусиятлари

Коронавирус инфекцияси кўпгина беморларда клиник белгиларсиз кечсада, айрим беморларда касаллик оғир кўринишда кечади ва хатто ўлимга олиб келиши мумкин. Бу айниқса, сурункали ёндош касалликлари бўлган беморларда кўп кузатилади.

Эпидемиологик маълумотларга кўра, 65 ёшдан катта одамлар, юрак қон-томир касалликлари, артериал гипертензия, қандли диабет, семизлик, ёмон сифатли ўсмалар, сурункали ўпка, жигар ва буйрак касалликлари, иммун танқислик ҳолатлари бўлган беморларда касаллик жиддий асоратларга олиб келади. Хусусан, жигар касаллиги билан касалланган беморларда нафақат COVID-19 оғир кечиши, балки асосий касаллик бўлган сурункали жигар касаллигини ҳам кучайишига сабаб бўлади. COVID-19 клиник кечиши қуйидагича: энгил (юқори нафас йўллари зарарланиши билан)– 81% ҳолатларда, ўрта оғир (нафас етишмовчилигисиз пневмония), оғир (пневмония, нафас етишмовчилиги, 24–48 соат ичида ўпканинг 50% дан кўп қисмини эгаллаган «жилосиз шиша» кўринишида инфильтратлар пайдо бўлиши) -14%, ўта оғир ёки критик шакли 5% (пневмония, ўРДС, сепсис, септик шок, полиорган етишмовчилик).

Охирги изланишлар шуни кўрсатдики, касалликни юқтирган одамларнинг 80% да COVID-19 нинг энгил ва ўрта оғир клиник кечиши кузатилиб, тиббий ёрдамга ва стационар давога мухтож бўлмайди. Коронавирус инфекцияси асосан нафас олиш йўллари зарарласада, охирги маълумотларга кўра COVID-19 тизимли касаллик бўлиб, нафас олиш, юрак қон томир, ошқозон-ичак, айириш тизими, неврологик,

қон яратиш ва иммун тизимларни зарарлайди. ЖССТ ва Хитой Халқ Республикаси ССВ ҳисоботларида янги коронавирус инфекциясининг типик ва нотипик клиник белгилари ажратилди. Пневмония COVID-19 нинг типик клиник кўриниши ҳисобланади.

Дунё олимлари томонидан бажарилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, COVID-19 билан касалланган беморларда пневмонияга хос бўлмаган клиник белгилар ҳам мавжуд. Марказий асаб тизими, кўз, тери қопламлари, ошқозон ости беzi, ошқозон-ичак тракти, айриш тизими каби аъзоларининг зарарланиши нотипик клиник белгиларга киради. Дастлаб SARS-CoV-2 инфекцияси ҳарорат ошиши, ҳолсизлик, йўтал, ҳансираш, кам ҳолатларда бош оғриши, диарея, кўнгил айнаши, қусиш, ҳид ва таъм билишнинг бузилиши билан бирга кечади. Кейинчалик беморларда коронавирусдан сўнг пайдо бўлган постковид синдром асоратлари ривожланиб, у ҳафталаб ёки ҳатто оилаб давом этиши мумкин.

Тадқиқот учун 120 нафар коронавирус инфекциясини (COVID-19) юқтирган бемор олинди. Назорат гуруҳини нисбатан соғлом ($n=20$) нафар одамлар ташкил этди. Тадқиқот учун сараларган беморлар касалликнинг оғирлик даражасига қараб 2 гуруҳга бўлинди:

I гуруҳни коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморлар ($n=49$),

II гуруҳни эса касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморлар ($n=71$) ташкил этди.

Одамларнинг ёши коронавирус инфекциясининг (COVID-19) ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Ёши қари одамларда ва айрим сурункали касалликларга чалинган одамларда COVID-19 оғир шаклларида ўлим хавфи сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланган.

Текширилаётган гуруҳдаги беморлар ёшга кўра тақсимланганда COVID-19 ўрта оғир ва оғир шаклларида учраш частотаси сезиларли

равишда фарқ қилди.

Бунда беморларнинг ёш оралиғи 20-29, 30-39, 50-59, 60 ва ундан катта ёшни ташкил этди. COVID-19 нинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларнинг ўртача ёши $45,3 \pm 2,2$ ни, оғир шакли билан касалланганлар $46,4 \pm 2$ ёш бўлиб, ушбу кўрсаткич назорат гурҳида $50,8 \pm 3,1$ ёш бўлди (3.1- жадвал).

3.1-жадвал

Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг ёш бўйича таснифи

Гуруҳлар	Ўртача ёш	Ёш									
		20-29		30-39		40-49		50-59		≥60	
		абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Ўрта оғир	$45,3 \pm 2,2$	10	20,4	10	20,4	10	20,4	10	20,4	9	18,4
Оғир	$46,4 \pm 2$	15	21,1	17	23,9	7	9,9	12	16,9	20	28,7
Назорат	$50,8 \pm 3,1$	3	15	2	10	4	20	5	25	6	30

Назорат гуруҳида мос равишда 20-29 ёшдагилар 3 (15%) кишини, 30-39 ёшлилар 2 (10%) кишини, 40-49 ёшлилар 4 (20%) кишини, 50-59 ёшлилар 5 (25%) кишини ва 60 ёшдан катта беморлар 6 (30%) кишидан иборат эди. COVID-19 нинг ўрта оғир шакли билан касалланган 60 ёшдан катта беморлар сони 9 (18,4%) нафарни ташкил этди. COVID-19 нинг оғир шакли билан касалланган 20-29 ёшлилар 15 (21,1%) кишини, 30-39 ёшли беморлар 17 (23,9%) кишини, 40-49 ёшлилар 7 (9,9 %) кишини, 50-59 ёшлилар 12 (16,9 %) кишини ва 60 ёшдан катта беморлар 20 (28,7 %) кишидан иборат бўлди.

Бундан кўриниб турибдики, ёши катта беморларда COVID-19 билан касалланиш ёшларга нисбатан кўпроқ учрайди. Энг кичик

кўрсаткич эса 40-49 ёшлилар орасида қайд этилди.

Тадқиқот гуруҳларидаги беморларни жинсига кўра таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар олинди: COVID-19 нинг ўрта оғир шакли билан оғриган эркеклар 23 (46,9 %) киши, аёллар эса 26 (53,1 %) кишидан иборат бўлди (3.2-жадвал).

3.2-жадвал

Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг жинси бўйича таснифи

Жинси	Гуруҳлар					
	Ўрта оғир		Оғир		Назорат	
	абс	%	абс	%	абс	%
аёл	26	53,1	38	53,5	11	55
эркак	23	46,9	33	46,5	9	45

Аёлларда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланиши эркекларга қараганда кўпроқ эканлигини кўриш мумкин. COVID-19 нинг оғир шакли билан оғриган эркеклар 33 (46,5%) кишини, аёллар эса ўз навбатида 38 (53,5%) кишини ташкил этди. Демак, касалликнинг оғир шакли билан касалланиш кўрсаткичи худди унинг ўрта оғир шаклида бўлгани каби аёлларда юқори ҳисобланади.

Текширилаётган беморларни яшаш жойи бўйича гуруҳларга ажратилганда қуйидаги натижалар олинди: назорат гуруҳига олинганларнинг 13 нафари яъни 65% фоизи шаҳардан, 7 нафарини (35%) эса тумандан келганлар ташкил этди (3.3-жадвал).

3.3-жадвал

Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг яшаш жойи бўйича таснифи


Жинси	Гуруҳлар					
	Ўрта оғир		Оғир		Назорат	
	абс	%	абс	%	абс	%

Шаҳар	31	63,3	50	70,4	13	65
Қишлоқ	18	36,7	21	29,6	7	35

Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланганлар орасида шаҳардан келган беморлар 31 кишини ташкил қилган. Бу кўрсаткич касалликнинг оғир шаклида 50 (70,4%) кишига тўғри келди. Тумандан келган ва COVID-19 ўрта оғир формаси билан касалланганлар 18 кишини, оғир шакли билан касалланганлар эса 21 кишини (29,6%) ташкил этди.

COVID-19 билан касалланган беморлар уларда кузатилаётган клиник белгиларнинг учрашига қараб таснифланди. Клиник белгилар сифатида йўтал, балғам ажралиши, нафас қисилиши, томоқ оғриғи, қон аралаш балғам, анорексия, диарея, кўнгил айнаши, қусиш, қоринда оғриқ, бош оғриғи, чарчаш, бош айланиши, таъм билишнинг йўқолиши, ҳиднинг йўқолиши, миалгия, чалкашликлар, тиршишлар, конъюнктивит, кўздан ёш оқиши кабилар кузатилди ва назорат давомида текширилаётган гуруҳдаги беморларда ушбу параметрлар ўрганилди.

Беморларни клиник белгиларнинг учрашига қараб таснифлаганда COVID-19 нинг ўрта оғир шакли билан касалланганларнинг 33 нафарида, оғир шакли билан касалланганларнинг 59 нафарида, умумий ҳисобда 112 кишида йўтал қайд этилган. Бошқа симптомлар орасида фоиз ҳисобда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланганларнинг 67,3% да йўтал белгиси кузатилди. COVID-19 нинг оғир шакли билан оғриган беморлар орасида эса ушбу симптомнинг учраш фоизи сезиларли даражада юқори бўлиб, 83,1% беморда қайд этилди. Умумий ҳисобда текширилаётган 120 нафар беморлар орасида 112 кишида (93,3%) да йўтал белгиси борлиги аниқланди (3.1-расм).




3.1-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларда йўтал ва балғам ажралиши клиник белгиларининг учраши (%)

COVID-19 да кузатилган иккинчи симптом бу балғам ажралиши бўлиб, касалликнинг ўрта оғир шакли билан оғриган беморларларнинг 49 тасидан 24 тасида балғам ажралиши кузатилди. Бу эса тахминан 49% га тўғри келади. Оғир шаклида эса 71 беморнинг 41 тасида ушбу симптом борлиги аниқланган ва бу умумий беморларнинг 57,7% ни ташкил этади. Умумий ҳисобда текширилаётган 120 нафар беморлар орасидан 65 кишида (54,2%) да балғам ажралиши аниқланди.

Текширилаётган беморларда учраган асосий клиник белгилардан бири бу нафас қисилиши ҳисобланади. COVID-19 нинг ўрта оғир шакли билан касалланган жами 49 нафар беморнинг 25 таси нафас қисилишидан шикоят қилди. Фоиз ҳисобда 51% беморда ушбу симптом кузатилди. Касалликнинг оғир шаклини бошидан ўтказган 71 беморнинг 41 тасида (57,7%) нафас қисилиши қайд этилди. Жами беморларнинг 54,2%да нафас қисилиши борлиги

аниқланди. Кейинги симптом томоқ оғриғи бўлиб, жами беморларнинг 66 нафаридан яъни 55% ида кузатилди (3.2-расм).



3.2-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларда нафас қисилиши ва томоқ оғриғи клиник белгиларининг учраши (%)


COVID-19 нинг ўрта оғир шакли билан касалланган 49 нафар беморнинг 29 нафаридан (59,2%), оғир шакли билан касалланган 71 беморнинг 46 нафаридан (64,8%) томоқ оғриғи борлиги кўрилди. Бундан кўриниб турибдики, касалликнинг оғир шаклида томоқ оғриғининг учраши унинг ўрта оғир шаклига қараганда сезиларли даражада юқори ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, клиник белгилар ўриганилган жами 120 нафар беморнинг 62,5%да томоқ оғриғи қайд этилди.

Қон аралаш балғами (гемоптоз) касаллик давомида кузатиладиган жиддий симптомлар қаторига киради. Унинг пайдо бўлиши турли сабабларга жумладан инфекциялар, яллиғланиш жараёнлари, шикастланишлар, ўсмаларга боғлиқ. Бироқ, мумкин

бўлган сабабларнинг хилма-хиллигига қарамай, COVID-19 ҳақида гап борганда гемоптоз жуда кам учраши қайд этилган.

Қон аралаш балғам коронавирусли инфекциянинг оғир шакли билан касалланган беморларнинг 2 нафарида қайд этилди ва улар жами беморларнинг 1,7% ни ташкил этади. Аҳамиятлиси касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда қон аралаш балғам кузатилмади. Қон аралаш балғам фақат касалликнинг оғир шаклидаги беморларда аниқланди ва 71 беморнинг 2,8% да учради.

COVID-19 билан касалланган беморлар орасида анорексия (иштаҳанинг йўқолиши) кўплаб беморларда қайд этилди. Текширилаётган беморларнинг 108 нафарида (90%) да иштаҳанинг йўқолиши кузатилди (3.3-расм).




3.3-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларда анорексия ва диарея клиник белгиларининг учраши (%)

Бунда касалликнинг оғир шакли билан касалланганларнинг 91,5% и, ўрта оғир шакли билан касалланганларнинг эса 87,8% ида

анорексия учраши таҳлил натижаларига биноан аниқ бўлди. Хусусан касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган 49 беморнинг 43 нафариди ва оғир шакли билан касалланган 71 нафар беморнинг 65 нафариди ушбу симптом борлиги қайд этилди. COVID-19 нинг организмга таъсири кўплаб аъзо ва тизимларга таъсир қилиши натижасида касаллик давомида учрайдиган белгилар миқдори ҳам ошади. Шу сабабли COVID-19 МИТга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Натижада беморларда диарея ҳам қайд этилди. Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланганларнинг 3 нафариди яъни 6,1% иди, оғир шакли билан касалланганларнинг 13 нафариди яъни 18,3% иди диарея кузатилди. Бу эса жами беморларнинг 13,3% да диарея кузатилганидан далолат беради.


Касаллик мобайнида қайд этилган МИТ билан боғлиқ клиник белгилардан яна бири бу кўнгил айнаши ҳисобланади. Текширилаётган беморларнинг жами 18 нафариди яъни 15% иди кўнгил айнаши кузатилди. Жумладан касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланганлар орасида 5 кишида (10,2%) ва оғир шакли билан касалланганларнинг 13 нафариди (18,3%) ушбу симптом қайд этилди (3.4-расм).



3.4-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларда кўнгил айнаши ва қусиш белгиларининг учраши (%)

Демак касалликнинг оғир шаклини бошидан ўтказган беморларда кўнгил айнаши касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларга нисбатан кўпроқ учрайди (3.5-расм). Лекин COVID-19 билан касалланганларда ушбу белги кам учраганлиги сабабли уни асосий симптомлар қаторига қўшиши мумкин эмас. Бундан ташқари яна бир клиник белги сифатида беморларда қусиш кузатилди. Худди диарея каби касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган 3 нафар беморда қусиш белгиси борлиги аниқланди ва бу 49 нафар беморнинг 6,1% ини ташкил этади. COVID-19 нинг оғир шакли билан касалланган беморларнинг 9 нафарида яъни 12,7%да қусиш борлиги аниқланди. Текшириш натижаларига эътибор қаратилганда COVID-19 нинг оғир шакли билан касалланган беморларда қусиш белгиси ўрта оғир шаклдаги беморлар билан солиштирилганда кўплиги кўрилди. Жами текширилган беморларнинг 120 нафарида (10%) да қусиш борлиги қайд этилди.

Касалликнинг яна бир клиник белгиси сифатида беморларда қоринда оғриқ бўлиши кузатилди. Даставвал касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган 49 нафар беморнинг икки нафарида қоринда оғриқ мавжудлиги аниқланди. Бу 49 нафар беморнинг 1,7% ини ташкил этади (3.5-расм).




3.5-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларда қоринда оғриқ ва бош оғриғининг учраши (%)

Бундан ташқари касалликнинг оғир шакли билан касалланган 71 нафар бемор орасида 6,7% яъни 8 кишида қоринда оғриқнинг мавжудлиги кузатилди. Умумий ҳисобида оладиган бўлсак, жами 12 нафар беморнинг 10 нафарида яъни 8,3% да қоринда оғриқ симптоми қайд этилди. Шунини ўз ўрнида қайд этиш керакки, COVID-19 ўрта оғир шакли билан касалланганлар орасида қоринда оғриқ белгисининг учраши унинг оғир шакли билан касалланган беморларга нисбатан кам эканлиги кузатилди. COVID-19 билан касалланган беморлар орасида бош оғриғининг учраши сезиларли даражада кўп учради. Шу сабабли уни касалликнинг асосий симптомлари қаторига қўшиш мумкин. Беморларни текширганимизда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган 49 нафар беморнинг 41 нафари (83,7%) бош оғриғидан азият чекаётганлиги аниқланди. Бу кўрсаткич касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда бироз юқорироқ эканлиги эътиборни жалб этди. Бунда 71 нафар бемордан 64 нафарида бош оғриғи қайд этилди. Бу COVID-19 оғир шакли билан касалланган беморларнинг 90,1% ини ташкил этади. Текширилаётган

жами беморларнинг 105 нафарида яъни 87,5 % ида ушбу белги борлиги аниқланди.


Яна бир етакчи симптомлар қаторига COVID-19 билан касалланган беморлар орасида чарчаш белгисининг учрашини ҳам киритишимиз мумкин. COVID-19 ўрта оғир шакли билан касалланган жами 49 нафар беморнинг 81,6% да яъни 40 нафарида чарчаш белгиси мавжудлиги қайд этилди. Бундан ташқари касалликнинг оғир шакли билан касалланган 71 беморнинг 64 нафарда яъни 90,1% да чарчаш белгиси борлиги кузатилди. Умумий ҳисобида олиб қарайдиган бўлсак, 120 нафар беморнинг 104 нафарида (86,7%) чарчаш белгиси қайд этилди. Юқоридаги натижалардан шу аён бўладики касалликнинг оғир шаклида бош оғриғи ва чарчаш каби белгилар касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларга нисбатан анча кўпроқ учрайди ва фарқ сезиларли даражада ўтганлиги кўзга ташланади (3.6-расм).

Текширилаётган беморларнинг жами 37 нафари яъни 30,8% и бош айланишидан шикоят қилди. Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланганлар орасида 13 кишида (26,5%), оғир шакл билан касалланганлар орасида эса 24 кишида (33,8%) бош айланиши борлиги қайд этилди.



3.6-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларда чарчаш ва бош айланишининг учраши (%)

COVID-19 билан касалланган беморлар текширилаётган вақтда уларда таъм ва ҳиднинг йўқолиши каби белгилар ҳам кузатилди. Таъмнинг йўқолиши касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларнинг 13 (26,5%) нафарида ҳиднинг йўқолиши эса 14 (28,6%) нафарида кузатилди (3.7-расм).




3.7-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларда таъм ва ҳид йўқолиши белгиларининг учраши (%)

Шу билан бирга COVID-19 коронавирусли инфекциясининг оғир шакли билан касалланган 71 нафар беморни 35,2 фоизида яни 25 нафарда, ҳиднинг йўқолиши эса 24 нафар беморда яъни 33,8 фоизда қайд этилди. Касалликда учрайдиган бу иккала белгининг жами беморлар орасида учраш фоизи бир хил яъни 120 нафар беморнинг 38 нафарида ушбу белгилар борлиги аниқланди. Таъм ва ҳиднинг йўқолиши каби белгиларнинг учрашини таҳлил қилинганда касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморлар сони касалликнинг ўрта оғир шакли билан оғриган беморларга қараганда кўпроқ эканлиги кузатилди.

Текширилаётган 120 нафар беморда юқоридаги клиник белгиларидан ташқари миалгия ҳам кузатилди. Умумий ҳисобида 32 нафар бемордан яъни 26,7% беморда миалгия қайд этилди. Улардан 8

нафари яъни 16,3 фоизи касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган бўлса, қолган 24 нафари эса касалликнинг оғир шаклидан азият чеккани аниқланди (3.8-расм).



3.8-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларда миалгия ва чалкашликларнинг учраши (%)

Тадқиқот давомида текширилган беморлар орасида миалгиянинг учраши таҳлил қилинганда, касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморлар орасида ушбу белгининг учраши кўпроқ қайд этилганлиги кўзга ташланди. Ундан ташқари тадқиқот давомида беморларнинг кўпчилик қисмида чалкашликлар ҳам


кузатилди. Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган 49 нафар беморнинг 6 нафарида (12,2%) чалкашувлар кузатилган бўлса, касалликнинг оғир шакли билан касалланган 71 нафар беморнинг 9 нафарда яъни 12,7% ида ушбу белги учраши қайд этилди. Шунингла алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки чалкашликларнинг учраши касалликнинг иккала шаклида ҳам деярли бир хил кўрсаткичларига эга бўлди ва умумий 120 нафар беморнинг 15 нафарида чалкашликлар кузатилди, бу эса 12,5% ни ташкил этади. Беморларни текшириш давомида уларда яна бир қанча клиник белгилар кузатилаётганлиги кўзга ташланди. Мисол учун уларда тиришишлар кузатилаётганлиги аниқланди (3.9-расм).



3.9-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларда тиришишлар учраши (%)

Тиришиш белгилари касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган 49 нафар бемордан атиги 1 (2%) нафарида тиришиш кузатилди. Ундан ташқари касалликнинг оғир шакли билан

касаланган 71 нафар бемордан 3 нафарида (4,2 %) ушбу белги қайд этилди. Жами 120 нафар беморнинг атиги 4 нафарда яъни 3,3% да тиришишлар қайд этилди.



3.10-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларда кўздан ёш оқиши ва конъюнктивитнинг учраши (%)

Коронавирусли инфекциянинг турли аъзо ва тизимларга таъсири натижасида бемор сезги органларида ҳам бир қанча ўзгаришлар юзага келади. Хусусан текширилаётган беморлар орасида конъюнктивит белгилари ҳам кузатилди (3.10-расм).

Бунда касалликнинг ўрта оғир шакли билан оғриган беморларнинг 11 нафари (22,4%), оғир шакли билан касалланган беморларнинг 17 нафарида (34,7%) конъюнктивит қайд этилди. Жами беморларнинг 28 нафарида (23,3%) коронавирусли инфекция сабабли конъюнктивит борлиги аниқланди.

Коронавирусли инфекциянинг оғир шакли билан касалланган беморларнинг 8 (11,3%) нафарида кўздан ёш оқиши, касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган 4 нафар беморларга (8,2%) қараганда кўпроқ учраши қайд этилди.

Коронавирус инфекцияси (COVID-19) билан оғриган беморлар

терисида турли хил ўзгаришлари кузатилиши мумкин. Аммо шуни таъкидлаш керакки, бу белгилар ҳар доим ҳам COVID-19 учун характерли эмас ва бошқа сабабларга кўра юзага келиши мумкин. Баъзи беморларда эса COVID-19 билан касаллангандан кейин тери баъзи бир ўзгаришлар кузатилади: тери тошмаси: доғлар ва тошмалар: баъзи беморларнинг терисида қизил ёки бинафша рангли доғлар ёки тошмалар бўлиши мумкин.

3.4-жадвал

Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг теридаги ўзгаришларнинг учраши (%)

Теридаги ўзгаришлар	Ўрта оғир n=49		Оғир n=71		Жами n=120	
	абс	%	Абс	%	%	Абс
Теридаги ўзгаришлар	9	18,4	16	22,5	25	20,8
Ангиит	2	4,1	8	11,3	10	8,3
Эритематоз	2	4,1	5	7	7	5,8
Эшакэми	1	2	4	5,6	5	4,2
Пуфакчалар	0	0	3	4,2	3	2,5

COVID-19 билан касалланган кузатув остида беморлар терисида ҳам бир қанча ўзгаришлар аниқланди. Бунда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларнинг 9 (18,4%) нафарида, оғир шакли билан касалланганларнинг эса 16 (22,5%) нафарида теридаги ўзгаришлар қайд этилди (3.4-жадвал).

Жами 120 нафар беморнинг 25 нафари терисида муаммолардан шикоят қилган. Беморлар терисида асосан ангиит, эритематоз, эшакеми ва кам ҳолларда пуфакчаларнинг бўлиши кузатилди. Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларнинг 2 нафарида ангиит (4,1%), 2 нафарида эритематоз (4,1%) ва 1 нафарида (2%) эшакеми аниқланди. Касалликнинг оғир шаклидан азият чекаётган беморларнинг 8 нафарида (11,3%) ангиит, 5 нафарида (7%) эритематоз, 4 нафарида (5,6%) эшакеми ва қолган 3 нафар (4,2%) бемор терисида пуфакчалар мавжудлиги қайд этилди. Натижалар таҳлил қилинганда жами беморларнинг 8,3% ида ангиит, 5,8% ида эритематоз, 4,2 % ида эшакеми ва 2,5 % ида пуфакчалар борлиги аниқланди.

Кузатилаётган беморларда теридаги ўзгаришлардан ташқари тана ҳароратининг ошиши кузатилди. Коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача тана ҳарорати $37,7 \pm 0,06^\circ\text{C}$ ни ташкил этди. Улардан 31 нафариди (63,3%) тана ҳарорати $\leq 37,9^\circ\text{C}$ дан паст, 18 нафариди (36,7%) эса $\geq 38^\circ\text{C}$ паст эканлиги қайд этилди (3.5-жадвал).

3.5-жадвал

Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг тана ҳарорати

Гуруҳлар	Ўртача $^\circ\text{C}$	$^\circ\text{C}$			
		$\leq 37,9$		≥ 38	
		Абс	%	Абс	%
Ўрта оғир n=49	$37,7 \pm 0,06$	31	63,3	18	36,7
Оғир n=71	$38,2 \pm 0,06$	24	33,8	47	66,2

Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача тана ҳарорати $38,2 \pm 0,06^\circ\text{C}$ ни ташкил этди. Улардан 24 нафариди (33,8%) тана ҳарорати $\leq 37,9^\circ\text{C}$ бўлиб, қолган 47 нафар (66,2%) беморда тана ҳарорати $\geq 38^\circ\text{C}$ эканлиги қайд этилди. Беморларда тана ҳарорати ўзгаришлари таҳлил қилинганда жами 55 нафар (45,8%) беморда тана ҳарорати $\leq 37,9^\circ\text{C}$, 65 нафариди (54,2%) эса тана ҳарорати $\geq 38^\circ\text{C}$ эканлиги кўрилди.

Қон умумий таҳлили (ҚУТ) беморнинг соғлиғи, шу жумладан коронавирус инфекцияси (COVID-19) каби шубҳали инфекциялар ҳақида маълумот берадиган асосий лаборатор текширувларидан бири ҳисобланади. Бироқ, ҚУТ нинг якка ўзи COVID-19 га аниқ ташҳис қўйиш учун етарли эмас. Шу сабабли ҚУТ натижалари бошқа клиник ва лаборатория маълумотлари билан биргаликда қўлланилади. COVID

-19 умумий қон таҳлилида кўриш мумкин бўлган баъзи ўзгаришлар қуйида келтирилган.

Текширилаётган беморларда ҚУТ натижалари ўрганилди. Коронавирусли инфекцияси билан касалланган беморларда қуйидаги натижалар олинди (3.6-жавдал).

3.6-жадвал

Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг умумий қон таҳлили, $M \pm m$

Қон таҳлили кўрсаткичлари	Ўрта оғир	Оғир	Назорат
Лейкоцит ($\times 10^9$ /л)	$7,13 \pm 0,5^{***}$	$6,9 \pm 0,48^{***}$	$5,01 \pm 0,14$
Лимфоцит (%)	$1,34 \pm 0,11^{\wedge}$	$1,4 \pm 0,09^{\wedge}$	$1,31 \pm 0,12$
Моноцит (%)	$0,37 \pm 0,03^{***}$	$0,45 \pm 0,05^*$	$0,6 \pm 0,04$
Эритроцит ($\times 10^{12}$ /л)	$4,64 \pm 0,09^{\wedge}$	$4,3 \pm 0,08^*$	$4,65 \pm 0,13$
Гемоглабин (г/л)	$139,7 \pm 3,3^{\wedge}$	$132 \pm 2,32^{\wedge}$	$137,35 \pm 2,56$
Гематокрит (%)	$0,39 \pm 0,009^*$	$0,4 \pm 0,007^*$	$0,44 \pm 0,02$
Тромбоцит ($\times 10^9$ /л)	$194 \pm 12,4^*$	$184,3 \pm 9,5^{**}$	$237,75 \pm 16,4$
Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (мм/с)	$22,2 \pm 1,8^{***}$	$22,8 \pm 1,38^{***}$	$5,35 \pm 0,57$

Эслатма: \wedge - $P > 0,05$; * - $P < 0,05$; ** - $P < 0,01$; *** - $P < 0,001$; назорат гуруҳи билан солиштирилаётган гуруҳдаги беморларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлиги

Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда лейкоцитлар ўртача $7,13 \pm 0,5 \times 10^9$ /л, назорат гуруҳидаги беморларда эса ўртача $5,01 \pm 0,14 \times 10^9$ /л ни, лимфоцитлар ўртача $1,34 \pm 0,11\%$, назорат гуруҳида ўртача $1,31 \pm 0,12\%$, моноцитлар ўртача $0,37 \pm 0,03\%$, назорат гуруҳида эса ўртача $0,6 \pm 0,04\%$, эритроцитлар ўртача $4,64 \pm 0,09 \times 10^{12}$ /л, назорат гуруҳидаги беморларда эса $4,65 \pm 0,13 \times 10^{12}$ /л,

гемоглобин $139,7 \pm 3,3$ г/л, назорат гуруҳидаги беморларда $137,35 \pm 2,56$ г/л, гематокрит кўрсаткичи $0,39 \pm 0,009$ %, назорат гуруҳида $0,44 \pm 0,02$ г/л, тромбоцитлар $194 \pm 12,4 \times 10^9$ /л, назорат гуруҳидаги беморларда $237,75 \pm 16,4 \times 10^9$ /л, ЭЧТ $22,2 \pm 1,8$ мм/с, назорат гуруҳидаги беморларда $5,35 \pm 0,57$ мм/с ни ташкил этди.

Коронавирусли инфекциянинг оғир шакли билан касалланган беморларда ҚУТ натижалари: касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда лейкоцитлар ўртача $6,9 \pm 0,48 \times 10^9$ /л, назорат гуруҳидаги беморларда эса ўртача $5,01 \pm 0,14 \times 10^9$ /л ни, лимфоцитлар $1,4 \pm 0,09\%$, назорат гуруҳида ўртача $1,31 \pm 0,12\%$, моноцитлар ўртача $0,45 \pm 0,05\%$, назорат гуруҳида эса ўртача $0,6 \pm 0,04\%$, эритроцитлар $4,3 \pm 0,08 \times 10^{12}$ /л, назорат гуруҳидаги беморларда эса $4,65 \pm 0,13 \times 10^{12}$ /л, гемоглабин $132 \pm 2,32$ г/л, назорат гуруҳидаги беморларда $137,35 \pm 2,56$ г/л, гематокрит кўрсаткичи $0,4 \pm 0,007\%$, назорат гуруҳида $0,44 \pm 0,02$ г/л, тромбоцитлар $184,3 \pm 9,5 \times 10^9$ /л, назорат гуруҳидаги беморларда $237,75 \pm 16,4 \times 10^9$ /л, ЭЧТ $22,8 \pm 1,38$ мм/с, назорат гуруҳидаги беморларда $5,35 \pm 0,57$ мм/с ни ташкил этди.

§ 3.2. Қоннинг биокимёвий таҳлили натижалари

Қоннинг биокимёвий таҳлили коронавирус инфекцияси (COVID-19) ташҳислашда ўтказиладиган муҳим лаборатор текшириш усулларида бири ҳисобланади. Таҳлил организмнинг турли органлари ва тизимларининг фаолияти ҳақида маълумот беради. Аммо шуни есда тутиш керакки, биокимёвий қон таҳлили COVID-19 билан касалланган беморнинг умумий ҳолатини баҳолашга хизмат қилади.

Текширилаётган беморларда қон биокимёвий таҳлили ўтказилди. Коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда қон биокимёвий таҳлилида қўйидаги натижалар қайд этилди: касалликнинг ўрта оғир шакли билан

касаланган беморларда умумий билирубин миқдори ўртача $16,6 \pm 0,34$ мкмол/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $12,83 \pm 0,78$ мкмол/л, эркин билирубин ўртача $16,6 \pm 0,34$ мкмол/л, назорат гуруҳидаги беморларда эса ўртача $13,2 \pm 0,65$ мкмол/л, умумий оқсил ўртача $81,46 \pm 12,7$ г/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $73,9 \pm 1,4$ г/л, мочевино ўртача $6,38 \pm 0,18$ ммоль/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $5,95 \pm 0,37$ ммоль/л, креатинин ўртача $95,17 \pm 3,6$ ммоль/л, назорат гуруҳида ўртача $83,6 \pm 4,64$ ммоль/л, альбумин $41,78 \pm 1,54$ г/л, назорат гуруҳида эса ўртача $42,6 \pm 1$ г/л, қондаги қанд миқдори ўртача $7,98 \pm 0,62$ ммоль/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $4,64 \pm 0,1$ ммоль/л, АЛТ ўртача $52,96 \pm 5,5$ Б/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $22 \pm 2,46$ Б/л, АСТ ўртача $46,08 \pm 4,5$ Б/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $21,2 \pm 2,35$ Б/л ни ташкил этди (3.7-жадвал).

3.7-жадвал

Текширилаётган гуруҳдаги беморларда қон биокимёвий таҳлили натижалари, $M \pm m$


Биокимёвий қон таҳлили кўрсаткичлари	Ўрта оғир n=49	Оғир n=71	Назорат
Умумий билирубин (мкмоль/л)	$16,6 \pm 0,34^{***}$	$17,5 \pm 0,37^{***}$	$12,83 \pm 0,78$
Эркин билирубин (мкмоль/л)	$16,6 \pm 0,34^{***}$	$17,4 \pm 0,36^{***}$	$13,2 \pm 0,65$
Умумий оқсил (г/л)	$81,46 \pm 1,7^*$	$76,9 \pm 1,18^*$	$73,9 \pm 3,6$
Мочевина (ммоль/л)	$6,38 \pm 0,18^*$	$6,65 \pm 0,65^*$	$5,95 \pm 0,37$
Креатинин (ммоль/л)	$95,17 \pm 3,6^{**}$	$87,6 \pm 2,03^*$	$83,6 \pm 4,64$

Альбумин (г/л)	41,78±1,54 [*]	40,6±0,7 [*]	42,6±1
Қанд (ммоль/л)	7,98±0,62 ^{***}	7,56±0,43 ^{**}	4,64±0,1
АЛТ (Б/л)	52,96±5,5 ^{***}	60,7±6,25 ^{***}	22±2,46
АСТ (Б/л)	46,08±4,5 ^{***}	50,3±5,2 ^{***}	21,2±2,35

Эслатма: ^{*}-P<0,05; ^{***}-P<0,001; назорат гуруҳи билан солиштирилаётган гуруҳдаги беморларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги

Коронавирусли инфекциянинг оғир шакли билан касалланган беморларда қон биокимёвий таҳлили: умумий билирубин миқдори ўртача 17,5±0,37 мкмол/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача 12,83±0,78 мкмол/л, эркин билирубин ўртача 17,4±0,36 мкмол/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача эса 13,2±0,65 мкмол/л, умумий оқсил ўртача 76,9±7,75 г/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача 73,9±1,4 г/л, мочевино ўртача 6,65±0,65 ммоль/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача 5,95±0,37 ммоль/л, креатинин ўртача 87,6±2,03 ммоль/л, назорат гуруҳида ўртача 83,6±4,64 ммоль/л, альбумин ўртача 40,6±0,7 г/л, назорат гуруҳида эса ўртача 42,6±1 г/л, қондаги қанд миқдори ўртача 7,56±0,43 ммоль/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача 4,64±0,1 ммоль/л, АЛТ ўртача 60,7±6,25 Б/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача 22±2,46 Б/л, АСТ ўртача 50,3±5,2, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача 21,2±2,35 Б/л эканлиги кузатилди.


Қон биокимёвий таҳлили натижалари кўздан кечирилганда кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан қондаги умумий билирубин миқдори касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда (16,6±0,34 мкмол/л) ва касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда (17,5±0,37 мкмол/л) назорат гуруҳига (12,83±0,78 мкмол/л) нисбатан ошган (3.11-расм).



3.11-расм. Текширилаётган беморларда касаллик оғирлик даражасига қараб умумий ва эркин билирубин миқдорининг ўзгариши (мкмол/л)


Эркин билирубин миқдори ҳам худди умумий билирубин миқдори каби касалликнинг ўрта оғир ($16,6 \pm 0,34$ мкмол/л) ва оғир жаклида ($17,4 \pm 0,36$ мкмол/л) назорат гуруҳига нисбатан ошгани аниқланди.

Қондаги умумий оқсил миқдори натижалари таҳлил қилинганда касалликнинг оғир шакли ($76,9 \pm 7,75$ г/л) билан касалланган беморларда ушбу кўрсаткич назорат гуруҳидаги беморлар кўрсаткичларидан ($73,9 \pm 1,4$ г/л) оз миқдорда фарқ қилиши аниқланди (3.12-расм).



3.12-расм. Текширилаётган беморларда касаллик оғирлик даражасига қараб умумий оқсил ва альбумин миқдорининг ўзгариши (г/л)

Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда қайд этилган умумий оқсил миқдори ($81,46 \pm 12,7$ г/л) билан таққослаганда эса касаллик оғир шакли билан касалланган беморларда умумий оқсил миқдори ($76,9 \pm 7,75$ г/л) нисбатан пастроқ эканлиги кўрилди. Қон биокимёвий таҳлилидаги альбумин миқдори эса коронавирусли инфекциянинг ҳар иккала шакли билан оғриган беморларда назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган альбумин миқдоридан пастлиги аниқланди.




3.13-расм. Текширилаётган беморларда касаллик оғирлик даражасига қараб мочевина ва креатинин миқдорининг ўзгариши (ммоль/л)

Қон биокимёвий таҳлилидаги мочевина кўрсаткичларига эътибор қаратилганда касалликнинг ўрта оғир ва оғир шакли билан касалланган беморларда ($6,38 \pm 0,18$ ммоль/л) ва оғир шакли билан касалланган беморларда ($6,65 \pm 0,65$ ммоль/л) эканлиги ва назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган кўрсаткичлар билан солиштирилганда ($5,95 \pm 0,37$ ммоль/л) кам миқдорда фарқ қилиши, аммо қондаги мочевинанинг нормал кўрсаткичларидан (2,7-7,3 ммоль/л) ошмаганлиги кузатилди (3.13-расм).

Креатинин миқдори коронавирусли инфекциянинг оғир шакли билан касалланган беморларда ($87,6 \pm 2,03$ ммоль/л) назорат гуруҳидаги беморларга ($83,6 \pm 4,64$ ммоль/л) нисбатан юқорирак,

аммо касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда қайд этилган натижаларга ($95,17 \pm 3,6$ ммоль/л) нисбатан пастроқ эканлиги аниқланди (креатинин нормал миқдори эркакларда – 61-115 ммоль/л, аёлларда – 52-97 ммоль/л).



3.14-расм. Текширилаётган беморларда касаллик оғирлик даражасига қараб АЛТ ва АСТ миқдорининг ўзгариши (Б/л)

Қон биокимёвий таҳлилидаги муҳим кўрсаткичлар ҳисобланган АЛТ ва АСТ кўрсаткичлар ҳам коронавирусли инфекция билан касалланган беморларда ўзгарганлиги кузатилди. АЛТ миқдори ($52,96 \pm 5,5$ Б/л) касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган натижалар ($22 \pm 2,46$ Б/л) билан солиштирганда тахминан 2,5 мартаба ошган. Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда ($60,7 \pm 6,25$ Б/л) эса ушбу кўрсаткич касалликнинг ўрта оғир шакли билан

касаланган беморларга нисбатан юқори ва назорат гуруҳидаги беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан деярли 3 маротаба ошган (3.14-расм).

АСТ миқдори ҳам АЛТ каби касалликнинг ҳар иккала шаклида назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлиги қайд этилди. Бунда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касаланган беморларда АСТ миқдори ($46,08 \pm 4,5$ Б/л) назорат гуруҳидаги беморларга ($21,2 \pm 2,35$ Б/л) нисбатан 2 баробарга кўплиги аниқланди. Касалликнинг оғир шаклидан азият чеккан беморларда эса ушбу кўрсаткич ($50,3 \pm 5,2$ Б/л) назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган натижаларга ($21,2 \pm 2,35$ Б/л) нисбатан тахминан 2,5 маротаба кўп эканлиги кузатилди.

§3.3. COVID-19 касаланган беморларда ўтказилган яллиғланиш индикаторларинг аҳамияти

Организмга инфекция тушганда ёки яллиғланиш жараёни кечаётган вақтда, қонда ўзгариши мумкин бўлган кўрсаткичлардан бири бу СРО ҳисобланади. Бу яллиғланишга жавобан жигарда ишлаб чиқариладиган оқсил бўлиб, унинг даражаси турли шароитларда, жумладан инфекциялар, яллиғланиш касалликлари, шикастланишлар ва бошқаларда ошиши мумкин. Коронавирус инфекцияси, шу жумладан COVID-19 да СРО даражасининг ошиши вирусли инфекциядан келиб чиққан яллиғланиш белгиларидан бири бўлиш эҳтимоллиги бор. Ушбу кўрсаткич бошқа клиник ва лаборатория маълумотлари билан биргаликда касалликнинг оғирлигини ва организмнинг иммунитет реакциясининг хусусиятини баҳолаш учун ишлатилади.

Шуни таъкидлаш керакки, СРО даражаси коронавирусга фақатгина хос кўрсаткич бўлибгина қолмай, бошқа инфекциялар ва яллиғланиш шароитида кўтарилиши мумкин эканлиги эътибордан қочирмаслик лозим. Ушбу кўрсаткич кўпинча беморнинг аҳволи

тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун бошқа лаборатория текширувлари ва клиник баҳолашлар билан биргаликда қўлланилади. Коронавирус инфекциясини даволаш вирусга қарши препаратлар ва яллиғланишга қарши терапияни қўллашни талаб этади. СРО даражаси ва бошқа лаборатория кўрсаткичлари шифокорларга беморнинг аҳволини ва даволаш самарадорлигини кузатиш воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин [50; p. 15, 61; p. 73-84]

Тадқиқот давомида текширилаётган гуруҳлардаги беморларда СРО даражаси ўрганилди (3.9-жадвал).

3.9-жадвал


Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг СРО, ферритин ва ПКТ
миқдори даводан олдин $M \pm m$

Кўрсаткич	Ўрта оғир	Оғир	Назорат
С-реактив оқсил (мг/л)	19,6±0,95 [*]	20,3±0,84 [*]	3,7±0,29
Ферритин (нг/мл)	242,6±61,14 [*]	186,23±28,9 ^{**}	103,4±3
ПКТ (нг/мл)	0,39±0,03 ^{***}	0,75±0,03 ^{***}	0,03±0,003

Эслатма: ^{*}-P<0,05; ^{**}-P<0,01; ^{***}-P<0,001; назорат гуруҳи билан солиштирилаётган гуруҳдаги беморларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлиги

Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда 19,6±0,95 мг/л, оғир шакли билан касалланган беморларда 20,3±0,84 мг/л га назорат гуруҳидаги беморларда СРО текширилганда ушбу кўрсаткич 3,7±0,29 мг/л га тенг эканлиги аниқланди.


Текширилаётган беморларда ферритин даражасига эътибор қаратилганда коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача 242,6±61,14 нг/мл, назорат гуруҳидаги беморларда эса бу кўрсаткич ўртача 103,4±3 нг/мл эканлиги қайд этилди. Бу ферритин миқдорининг нормал кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада ошган. Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда ферритин даражаси ўртача 186,23±28,9 нг/мл ни ташкил этиб, назорат гуруҳида қайд этилган ферритин миқдorigа нисбатан тахминан 2,5 марта ошганлиги аниқланди (3.15-расм).



3.15-расм. Текширилаётган беморларда ферритин миқдорининг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (нг/л)

Коронавирусли инфекциянинг ҳар иккала шакли билан касалланган беморларда ҳам ферритин миқдори назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан юқори (нормада ферритин миқдори эркекларда 23,9-336,2 нг/мл, аёлларда 11,0-306,8 нг/мл) эканлиги кузатилди.

Тадқиқот олиб борилаётган гуруҳларда ПКТ миқдори текширилганда касалликнинг ўрта оғир шаклидаги беморларда $0,39 \pm 0,03$ нг/мл эканлиги кўрилди (3.16-расм).



3.16-расм. Текширилаётган беморларда ПКТ миқдорининг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (нг/л)

Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда эса ПКТ миқдори $0,75 \pm 0,03$ нг/мл бўлиб, назорат гуруҳидаги беморларда $0,03 \pm 0,003$ нг/мл аниқланган натижаларга нисбатан анча юқори ҳисобланади. Натижаларни умумлаштирганда коронавирусли инфекциянинг ҳар иккала шакли билан касалланган беморларда қайд этилган натижалар ПКТ миқдорининг нормал миқдоридан $>0,05$ нг/мл ошганлиги кўрилди.

ИФА таҳлилида олинган натижаларни умумлаштирадиган бўлсак (3.11-жадвал). Касалликниг ўрта оғир шаклида ферритин $242,6 \pm 61,14$ нг/мл, ПКТ $0,39 \pm 0,03$ нг/мл ни ташкил этди. Коронавирусли инфекциянинг оғир шакли билан касалланган беморларда ферритин $186,23 \pm 28,9$ нг/мл, ПКТ $0,75 \pm 0,03$ нг/мл эканлиги аниқланди (3.10-жадвал).

3.10-жадвал

Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг Ферритин ва ПКТ

миқдори, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Ўрта оғир	Оғир	Назорат
Ферритин (нг/мл)	242,6±61,14 [*]	186,23±28,9 ^{**}	103,4±3
ПКТ (нг/мл)	0,39±0,03 ^{***}	0,75±0,03 ^{***}	0,03±0,003

Эслатма: ^{*}- $p < 0,05$; ^{**}- $p < 0,01$; ^{***}- $p < 0,001$; назорат гуруҳи билан солиштирилаётган гуруҳдаги беморларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги


Тадқиқот гуруҳидаги беморларда ўтказилган ИФА таҳлили натижалари ўрганилганда ҳар иккала кўрсаткич ферритин, ПКТ миқдори коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда қайд этилган натижаларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Бу эса организмда вирусга қарши механизмларнинг сезиларли даражада кучайганлигидан далолат беради. Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда эса ушбу кўрсаткичлар касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларга нисбатан пастроқ аммо назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган натижаларга нисбатан юқори эканлиги кўрилди. Юқоридадаги натижалардан кўриниб турибдики, ИФА таҳлили коронавирусли инфекция билан касалланган беморларга ташҳис қўйишда муҳим таҳлил ҳисобланади ва даволовчи шифокорга касалика тўғри ташҳис қўйишда ёрдам беради.

§3.4. COVID-19 билан касалланган беморларда ўтказилган коагулограмма натижалари

Коронавирус инфекцияси қон ивиш тизимига таъсир қилиши мумкин, бу эса коагулограмманинг ўзгаришига олиб келади.


Тадқиқот давомида коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда коагулограмма натижалари таҳлил қилинганда қўйидагича натижалар олинди. Протромбин вақти

(ПТВ) назорат гуруҳида ўртача $11,3 \pm 0,47$ сек, касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача $14,84 \pm 1,95$ сек, коронавирусли инфекциянинг оғир шакли билан касалланганлар орасида ПТВ ўртача $16,03 \pm 2,3$ сек ни ташкил этди (3.17-расм).



3.17-расм. Текширилаётган беморларда протромбин вақтининг (РТ) касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (сек)

Бундан кўриниб турибдики, касалликнинг ўрта оғир ва оғир шакли билан касалланган беморлар орасида протромбин вақти сезиларли даражада узаяди.



3.18-расм. Текширилаётган беморларда ПТИ касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (%)

ПТИ соғлом одамда 80-120% га тенг. Коронавирусли инфекцияда эса ушбу кўрсаткичда маълум бир ўзгаришлар бор эканлиги қайд этилди (3.18-расм).

Текширилаётган гуруҳларда қуйидагича натажалар олинди: назорат гуҳида ўртача $91,5 \pm 3,6\%$, касалликнинг ўрта оғир шаклида ПТИ ўртача $110 \pm 4,7\%$, оғир шаклидаги беморларда ПТИ ўртача $121 \pm 12,93\%$ эканлиги аниқланди. Натажалар таҳлилида касалликнинг ўрта оғир ва оғир шакли билан касалланган беморларда протромбин индексининг назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган ПТИ кўрсаткичларга нисбатан юқори эканлиги кўрилди.

SARS-CoV-2 коронавируси қон ивиш тизимига таъсир қилиши мумкин ва COVID-19 билан оғриган беморларда коагулограммадаги ўзгаришлар кузатилиши мумкин. Баъзи ҳолларда бу турли тромботик асоратларга олиб келади. Коагулограмма натажалари

тахлилида МНО ёки халқаро нормаллаштирилган нисбатда (ХНН) ҳам ўзгаришлар аниқланди. Коагулограммадаги кўрсаткичларнинг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши қўйида келтирилган (3.8-жадвал).

3.8-жадвал

Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг коагулограмма миқдори даводан олдин, $M \pm m$

Коагулограмма кўрсаткичлари	Ўрта оғир	Оғир	Назорат
D-димер (мкг/л)	357,9±42,15 ^{***}	391,3±69,46 ^{***}	125,4±8,8
PT (сек)	14,84±1,95 [^]	16,03±2,3 [*]	11,3±0,47
ПТИ (%)	110±4,7 ^{**}	121±12,93 [*]	91,5±3,6
МНО	0,96±0,02 ^{***}	0,95±0,01 ^{***}	0,85±0,01
ФИБ (мг/л)	3785,7±96,2 ^{***}	3865,5±84,1 ^{***}	2935,9±168,7
АЧТВ (сек)	33,84±4,38 [^]	28,76±0,56 [*]	27,1±0,53
APHL IgG (u/ml)	14,0±1,4	18,1±3,2	10±0,5
APHL IgM (u/ml)	12,8±2,2	15,4±2,8	11±0,5


Эслатма: [^]- $p > 0,05$; ^{*}- $p < 0,05$; ^{**}- $p < 0,01$; ^{***}- $p < 0,001$; назорат гуруҳи билан солиштирилаётган гуруҳдаги беморларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги.

Бунда касалликнинг ўрта оғир шаклидаги беморларда МНО ўртача 0,96±0,02, касалликнинг оғир шаклида эса унинг қиймати ўртача 0,95±0,01 ни, назорат гуруҳида ўртача 0,85±0,01 ташкил этди.

APHL IgG миқдори таҳлили қилинганда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ушбу кўрсаткич ўртача 14,0±1,4

u/ml, оғир шакли билан касалланганларда ўртача $18,1 \pm 3,2$ u/ml ва назорат гуруҳдаги беморларда эса ўртача $10 \pm 0,5$ u/ml эканлиги аниқланди. APHL IgM миқдори коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача $12,8 \pm 2,2$ u/ml, касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача $15,4 \pm 2,8$ u/ml ва назорат гуруҳдаги беморларда эса ўртача $11 \pm 0,5$ u/mlни ташкил этди.

Коагулограмма таҳлилида фибриноген (ФИБ) миқдориди ўзгаришлар аниқланиб касаллик оғир ва ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ФИБ миқдори бир-биридан фарқ қилди (3.19 -расм).




3.19-расм. Текширилаётган беморларда ФИБнинг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (г/л)

Касалликнинг ўрта оғир шаклида ФИБ миқдори ўртача $3785,7 \pm 96,2$ мг/л, касалликнинг оғир ўртача $3865,5 \pm 84,1$ мг/л ни, назорат гуруҳдаги беморларда ушбу кўрсаткич ўртача $2935,9 \pm 168,7$ мг/л ни ташкил этди (фибриногеннинг нормал миқдори 2-4 г/л).

Коронавирусли инфекция билан касалланган беморлар орасида коагулограмма кўрсаткичлари орасида АЧТВ кўрсаткичларининг ўзгариши касалликнинг қон ивиш системасига таъсирини,


касалликнинг кечишини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. АЧТВ назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $27,1 \pm 0,53$ секундни, коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача $33,8 \pm 4,38$ сек. ва касалликнинг оғир шаклида ўртача $28,76 \pm 0,56$ сек ни эканлиги аниқланди. Бунда АЧТВ касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда назорат гуруҳи ва касалликнинг оғир шакли билан касалланганларга нисбатан юқори эканлиги кузатилди (3.20-расм).



3.20-расм. Текширилаётган беморларда АЧТВ нинг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (сек)

Коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир даражасида касалликнинг оғир даражасида қайд этилган натижаларга (ўрача $28,7 \pm 0,56$) сек нисбатан юқори эканлиги аниқланди (ўртача $33,84 \pm 4,38$ сек). Иккала ҳолатда ҳам қайд этилган натижалар назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган натижаларга ($27,1 \pm 0,53$ сек) нисбатан юқори эканлиги кузатилди.

Коронавирус инфекцияси билан касалланган ва текширув ўтказилаётган беморларда ИФА таҳлили орқали D-димер миқдори бўйича қуйидаги натижалар олинди (3.21-расм).



3.21-расм. Текширилаётган беморларда D-димер миқдорининг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (мкг/л)

Коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда D-димер миқдори текширилганда унинг миқдори ўртача $357,9 \pm 42,15$ мкг/л, назорат гуруҳидаги беморларда эса ушбу кўрсаткич ўртача $125,4 \pm 8,8$ мкг/л ни ташкил этди. Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда D-димер миқдори ўртача $391,3 \pm 69,46$ мкг/л ни, назорат гуруҳида эса ўртача $125,4 \pm 8,8$ мкг/л эканлиги аниқланди (нормада D-димер даражаси 0,0-500,0 мкг/л).

Юқоридаги гемостаз маркерларига асосланиб, биз COVID-19 билан боғлиқ коагулопатия хавфини ташхислаш шкаласини ишлаб чиқдик.

COVID-19 билан боғлиқ коагулопатия хавфини ташхислаш шкаласи

Мезонлар	Балл
Тромбоцитлар даражаси $<150 \cdot 10^9$ /мл	2

D-димернинг референс оралиғидан 2 дан ортиқ юқори чегарада ошиши	2
ПТВ 1 сек ортиқ узайиши (ва/ёки ХНМ > 1,2)	2
Тромбозлар мавжудлиги (оёқларнинг чуқур веналари, мезентериал томирлар, инсулт, ўткир коронар синдром, ЎАТЭ, микротромбозлар ва х.қ.)	2
Фибриноген миқдорини ошиши	0,5
Антифосфолипид антителаларнинг юқори миқдори	0,5
САС $\geq 2,5 < 4$ балли хавфи	

§3.5. Инструментал текширув натижаларининг тавсифи

Кўкрак қафаси рентгенограммаси ёки кўкрак қафасининг компьютер томографияси (КТ) каби рентген текшируви коронавирус инфекцияси (COVID-19) билан оғриган беморларда ўпка ҳолатини баҳолаш учун фойдаланиладиган самарали усуллардан ҳисобланади. Шунини таъкидлаш керакки, рентген усуллари COVID-19 ташҳисот усулларига хос эмас, аммо улар ўпканинг ҳолати ва уларнинг шикастланиш даражаси ҳақида фойдали маълумотлар беради. COVID-19 учун рентген текширувининг бир нечта хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. COVID-19 кўпинча пневмония ривожланишига олиб келади.

COVID-19 касаллигини келтириб чиқарадиган SARS-CoV-2 кўпинча нафас олиш тизимига, биринчи навбатда ўпкага ҳужум қилади. Коронавирусда ўпка тўқималарининг шикастланиши турли хил ўзгаришлар ва асоратларга олиб келиши мумкин.

Тадқиқот давомида беморларнинг кўпчилигида коронавирусли инфекция сабабли ўпка тўқимасининг турли даражадаги шикастланиши кузатилди. Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларнинг 12 (24,5%) нафарида ўпка шикастланишининг I даражаси, 21 нафарида (42,9%) II даражаси, 7

(14,3%) нафарида эса III даражаси қайд этилди. Қолган 9 нафари беморда эса ўпка шикастланиши аниқланмади.

Коронавирусли инфекциянинг оғир шакли билан касалланганларнинг 2 нафарида ўпка шикастланиши топилмади. Уларнинг 6 (8,5%), нафарида ўпка шикастланишининг I даражаси, 37 (52,1%) нафарида II даражаси, 26 (36,6%) нафарида эса III даражаси кузатилди. Жами беморларнинг 18 нафарида (9,2%) ўпка шикастланишининг I даражаси, 58 нафарида (15%) II даражаси ва 33 нафарида (27,5%) III даражаси қайд этилди.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин.

COVID-19 билан касалланган беморларда эпидемиологик ўрганилганда, касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланганларнинг кўпчилигини 30-39 ёш оралиғидаги беморлар ташкил этгани аниқланди. Касалланганларнинг аксарият қисмини аёллар ташкил этди.

Клиник белгиларнинг учраш частотасига кўра йўтал, балғам ажралиши, гафас қисилиши, анорексия, бош оғриғи, чарчаш кабилар касаллик мобайнида кузатилган бошқа симптомларга нисбатан устунлик қилди. Беморлар терисида пайдо бўлган ўзгаришлар орасида ангиит ва эритематознисбатан кўп учради.

Беморларда ўтказилган ҚУТ даги ўзгаришлар асосан лейкоцит, лимфоцитлар ва ЭЧТ кўрсаткичлари томонидан қайд қилинди.

Қон биокимёвий таҳлилида қондаги цитолитик синдром индикаторлари АЛТ ва АСТ миқдори сезиларли даражада ошганлиги аниқланди. COVID-19 билан касалланган беморларда яллиғланиш индикаторларидан СРО, ПКТ ва ферритин кўрсаткичлари томонидан ўзгаришлар кузатилиб, касаллик кечиш оғирлигига мос ҳолда кўпайган. Бу эса яллиғланишга қарши препаратларни буюришга асос бўлган.

Коагулограмма натижаларига эътибор қаратиладиган бўлса, D-димер, ФИБ ва антифосфолипид антителалар миқдори ошганлиги ҳамда ПТВ тезлигини ошганлиги аниқланди. Коронавирусли инфекциянинг ҳар иккала шакли билан касалланган беморларда ПТИ назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган кўрсаткичларга нисбатан юқорироқ эканлиги аниқланди.

Юқоридаги маълумотлар асосида қон ивиш кўрсаткичларини диагностик ва прогностик аҳамияти ўрганилиб, илк бор COVID-19 билан боғлиқ коагулопатия хавфини аниқлаш шкаласи ишлаб чиқилди.

IV БОБ. КОРОНАВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯДА ШИФОХОНАДАН ЧИҚАРИШ ПАЙТИДАГИ ЛАБОРАТОР ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

COVID-19 га чалинган беморларга Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 апрелдаги 82- сонли буйруғи билан тасдиқланган "COVID-19 коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик тавсияларни (8-таҳрир) тасдиқлаш тўғрисида"ги услубий кўрсатмаси асосида даво муоложалари ўтказилди.

§4.1 COVID-19 нинг ўрта оғир ва оғир шакли билан касалланган беморларда шифохонадан чиқариш пайтида ўтказилган қоннинг умумий таҳлили натижалари

Даводан кейин текширилган гуруҳдаги беморларда ҚУТ яна бир марта ўтказилди ва қуйидагича натижалар олинди: касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда лейкоцитлар сони ўртача $6,08 \pm 0,36 \times 10^9 / \text{л}$, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $5,01 \pm 0,14 \times 10^9 / \text{л}$, лимфоцитлар ўртача $1,33 \pm 0,11\%$, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $1,31 \pm 0,12\%$, моноцитлар ўртача $0,37 \pm 0,03\%$, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $0,6 \pm 0,04\%$, эритроцитлар сони

ўртача $4,54 \pm 0,06 \times 10^{12}/\text{л}$, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $4,65 \pm 0,13 \times 10^{12}/\text{л}$, гемоглобин миқдори ўртача $136,3 \pm 2,09$ г/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $137,35 \pm 2,56$ г/л, гематокрит кўрсаткичи ўртача $0,38 \pm 0,005\%$, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $0,44 \pm 0,02\%$, тромбоцитлар сони ўртача $183,1 \pm 9,06 \times 10^9/\text{л}$, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $237,75 \pm 16,4 \times 10^9/\text{л}$, эритроцитлар чўкиш тезлиги эса ўртча $20,6 \pm 1,98$ мм/с, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $5,35 \pm 0,57$ мм/с ни ташкил этди (4.1-жадвал).

4.1-жадвал

Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг даводан кейинги умумий қон таҳлили ($M \pm m$)

Қон таҳлили кўрсаткичлари	Ўрта оғир	Оғир	Назорат
Лейкоцит ($\times 10^9/\text{л}$)	$6,08 \pm 0,36^{**}$	$6,79 \pm 0,53^{**}$	$5,01 \pm 0,14$
Лимфоцит (%)	$1,33 \pm 0,11^{\wedge}$	$1,41 \pm 0,09^{\wedge}$	$1,31 \pm 0,12$
Моноцит (%)	$0,37 \pm 0,03^{***}$	$0,43 \pm 0,04^*$	$0,6 \pm 0,04$
Эритроцит ($\times 10^{12}/\text{л}$)	$4,54 \pm 0,06^{\wedge}$	$4,38 \pm 0,1^*$	$4,65 \pm 0,13$
Гемоглабин (г/л)	$136,3 \pm 2,09^{\wedge}$	$133,01 \pm 2,85^{\wedge}$	$137,35 \pm 2,56$
Гематокрит (%)	$0,38 \pm 0,005^{**}$	$0,37 \pm 0,008^{***}$	$0,44 \pm 0,02$
Тромбоцит ($\times 10^9/\text{л}$)	$183,1 \pm 9,06^{**}$	$204,03 \pm 10,11^*$	$237,75 \pm 16,4$
ЭЧТ(мм/с)	$20,6 \pm 1,98^{***}$	$24,7 \pm 1,57^{***}$	$5,35 \pm 0,57$

Эслатма: \wedge - $p > 0,05$; *- $p < 0,05$; **- $p < 0,01$; ***- $p < 0,001$; назорат гуруҳи билан солиштирилаётган гуруҳдаги беморларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлиги

Коронавирусли инфекциянинг оғир шакли билан касалланган беморларнинг даводан кейинги умумий қон таҳлили натижалари:

касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда лейкоцитлар сони ўртача $6,79 \pm 0,53 \times 10^9$ /л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $5,01 \pm 0,1 \times 10^9$ /л, лимфоцитлар ўртача $1,41 \pm 0,09\%$, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $1,31 \pm 0,12\%$, моноцитлар ўртача $0,43 \pm 0,04\%$, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $0,6 \pm 0,04\%$, эритроцитлар сони ўртача $4,38 \pm 0,1 \times 10^{12}$ /л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $4,65 \pm 0,13 \times 10^{12}$ /л, гемоглобин миқдори ўртача $133,01 \pm 2,85$ г/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $137,35 \pm 2,56$ г/л, гематокрит кўрсаткичи ўртача $0,37 \pm 0,008\%$, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $0,44 \pm 0,02\%$, тромбоцитлар сони ўртача $204,03 \pm 10,11 \times 10^9$ /л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $237,75 \pm 16,4 \times 10^9$ /л, эритроцитлар чўкиш тезлиги эса ўртча $24,7 \pm 1,57$ мм/с, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $5,35 \pm 0,57$ мм/с ни ташкил этди

Текширилаётган беморларнинг даводан кейинги умумий қон таҳлилинин кўздан кечирганда кўплаб кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги беморларнинг умумий қон таҳлили натижаларига яқинлашганлигини кўриш мумкин. Хусусан лейкоцитлар ва лимфоцитлар миқдори нормал кўрсаткичларга жуда яқинлиги даво муолажасининг самарадорлигини кўрсатади.

§4.2. COVID-19 билан касалланган беморларда ўтказилган қоннинг биокимёвий таҳлили натижалари

Коронавирусли инфекция билан касалланган беморларни даводан кейинги қон биокимёвий таҳлили ўтказилди. Коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир ва оғир шакли билан касалланган беморларда қон биокимёвий таҳлили натижалари бир-биридан фарқ қилиши кузатилди (4.2-жадвал).

Коронавирусли инфекциянинг оғир шакли билан касалланган беморларда қон биокимёвий таҳлили: умумий билирубин миқдори

ўртача $16,8 \pm 0,33$ мкмол/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $12,83 \pm 0,78$ мкмол/л, эркин билирубин ўртача $16,9 \pm 0,37$ мкмол/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача эса $13,2 \pm 0,65$ мкмол/л ни ташкаил этди (4.1-расм). Умумий оқсил ўртача $68,64 \pm 0,72$ г/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $73,9 \pm 1,4$ г/л, мочевино ўртача $7,03 \pm 0,69$ ммоль/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $5,95 \pm 0,37$ ммоль/л эканлиги аниқланди (4.2-расм).

4.2-жадвал

Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг даводан кейин қон биокимёвий таҳлили


Биокимёвий қон таҳлили кўрсаткичлари	Ўрта оғир	Оғир	Назорат
Умумий билирубин (мкмол/л)	$16,5 \pm 0,36^{***}$	$16,8 \pm 0,33^{***}$	$12,83 \pm 0,78$
Эркин билирубин (мкмол/л)	$16,5 \pm 0,36^{***}$	$16,9 \pm 0,37^{***}$	$13,2 \pm 0,65$
Умумий оқсил (г/л)	$81,8 \pm 12,68^*$	$68,64 \pm 0,72^{***}$	$73,9 \pm 1,4$
Мочевина (ммоль/л)	$7,88 \pm 1,25^*$	$7,03 \pm 0,69^*$	$5,95 \pm 0,37$
Креатинин (ммоль/л)	$91,3 \pm 4,02^A$	$104,5 \pm 13,1^*$	$83,6 \pm 4,64$
Альбумин (г/л)	$34,4 \pm 1,61^{***}$	$36,7 \pm 0,65^{***}$	$42,6 \pm 1$
Қанд (ммоль/л)	$4,99 \pm 0,17^{**}$	$4,94 \pm 0,17^*$	$4,64 \pm 0,1$
АЛТ (Б/л)	$31,16 \pm 4,7^{***}$	$42,87 \pm 6,37^{***}$	$22,4 \pm 2,46$
АСТ (Б/л)	$28,78 \pm 3,72^{***}$	$34,61 \pm 5,18^{***}$	$21,2 \pm 2,35$

Эслатма: * - $p > 0,05$; ** - $p < 0,05$; *** - $p < 0,001$; назорат гуруҳи билан солиштирилаётган гуруҳдаги беморларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлиги

Креатинин ўртача $104,5 \pm 13,1$ ммоль/л, назорат гуруҳида ўртача


83,6±4,64 ммоль/л, альбумин ўртача 36,7±0,65 г/л, назорат гуруҳида эса ўртача 42,6±1 г/л, қондаги қанд миқдори ўртача 4,94±0,17 ммоль/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача 4,64±0,1 ммоль/л, АЛТ ўртача 60,87±6,37 Б/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача 22±2,46 Б/л, АСТ ўртача 50,61±5,18 Б/л назорат гуруҳидаги беморларда ўртача 21,2±2,35 Б/л эканлиги кузатилди.

Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда умумий билирубин миқдори ўртача 16,5±0,36 мкмол/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача 12,83±0,78 мкмол/л ни ташкил этди (4.1-расм).




4.1-расм. Текширилаётган беморларда касаллик оғирлик даражасига қараб умумий ва эркин билирубин миқдорининг ўзгариши (мкмол/л)

Эркин билирубин ўртача 16,5±0,36 мкмол/л, назорат гуруҳидаги беморларда эса ўртача 13,2±0,65 мкмол/л ни эканлиги қайд этилди.



4.2-расм. Текширилаётган беморларда касаллик оғирлик даражасига қараб умумий оқсил ва альбумин миқдорининг ўзгариши (г/л)



4.3-расм. Текширилаётган беморларда касаллик оғирлик даражасига боғлиқ мочевина ва креатинин миқдорининг ўзгариши (ммоль/л)


Умумий оқсил миқдори ўртача $81,8 \pm 12,68$ г/л, назорат

гуруҳидаги беморларда ўртача $73,9 \pm 1,4$ г/л, альбумин $34,4 \pm 1,61$ г/л, назорат гуруҳида эса ўртача $42,6 \pm 1$ г/л, мочевино ўртача $7,88 \pm 1,25$ ммоль/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $5,95 \pm 0,37$ ммоль/л, креатинин ўртача $91,3 \pm 4,02$ ммоль/л, назорат гуруҳида ўртача $83,6 \pm 4,64$ ммоль/л, қондаги қанд миқдори ўртача $4,99 \pm 0,17$ ммоль/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $4,64 \pm 0,1$ ммоль/л эканлиги аниқланди (4.2-4.3 - расмлар).

Креатинин ва мочевино миқдори назорат гуруҳидаги беморлар қон биокимёвий таҳлилидаги креатинин ва мочевино миқдорига яқинлашганлиги кўрилди.

АЛТ ва АСТ миқдорига эътибор қаратилганда касалликнинг ўрта оғир ва оғир шаклида даводан олдинги АЛТ ва АСТ натижаларига нисбатан ўзгариш жуда кам эканлиги кўрилди (4.4-расм).

Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда АЛТ ўртача $31,16 \pm 4,7$ Б/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $22,4 \pm 2,46$ Б/л, АСТ ўртача $28,78 \pm 3,72$ Б/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $21,2 \pm 2,35$ Б/л ни ташкил этди.



4.4-расм. Текширилаётган беморларда даводан кейин касаллик оғирлик даражасига қараб АЛТ ва АСТ миқдорининг ўзгариши (Б/л)

Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг даводан кейин биокимёвий кон таҳлили натижаларидан аён бўлдики, коронавирусли инфекциянинг ҳар иккала шакли билан касалланган беморлар қон биокимёвий таҳлилида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган.

§4.3. COVID-19 билан касалланган беморларда яллиғланиш индикаторларининг аҳамияти

Текширилаётган гуруҳдаги беморларда даводан кейин С-рекатив оқсил текширилганда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда $8,4 \pm 1,07$ мг/л га, оғир шакли билан

касаланган беморларда $9,7 \pm 1,29$ мг/л га тенг эканлиги аниқланди. Назорат гуруҳидаги беморларда эса ушбу кўрсаткич $3,7 \pm 0,29$ мг/л ни ташкил этди (4.3-жадвал).


Текширилаётган гуруҳдаги беморларда даводан кейинги С реактив оқсил миқдори (мг/л)

Кўрсаткич	Ўрта оғир	Оғир	Назорат
С реактив оқсил мг/л	8,4±1,07 [*]	9,7±1,29 [*]	3,7±0,29
Ферритин нг/мл	164±34,3 [^]	162,9±27,3 [*]	103,4±3
ПКТ нг/мл	0,027±0,03 ^{***}	0,03±0,03 ^{***}	0,03±0,003

Эслатма: [^]-p>0,05; ^{*}-p<0,05; ^{**}-p<0,01; ^{***}-p<0,001; назорат гуруҳи билан ПКТ миқдори касалликнинг оғир шаклидаги беморларда сезиларли даражада камайганлиги кузатилди.

С-реактив оқсил миқдори касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларга нисбатан баланд эканлигини кўриш мумкин.


Текширилаётган беморларда даводан кейин ферритин даражасига эътибор қаратилганда коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача 164±34,3 нг/мл ни ташкил этди (4.5-расм).



4.5-расм. Текширилаётган беморларда даводан кейин ферритин миқдорининг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (нг/л)

Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда ферритин даражаси ўртача $162,9 \pm 27,3$ нг/мл ни, назорат гуруҳидаги беморларда эса бу кўрсаткич ўртача $103,4 \pm 3$ нг/мл эканлиги қайд этилди. Даводан кейинги ферритин миқдорида назар соладиган бўлсак, коронавирусли инфекциянинг ҳар иккала шаклида қайд этилган натижалар даводан олдинги кўрсаткичлар билан таққослаганда яхшиланганлигини ва назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган ферритин миқдорида яқинлашган.

ПКТ миқдори касалликнинг ўрта оғир шаклидаги беморларда даводан кейин $0,027 \pm 0,03$ нг/мл эканлиги кўрилди (4.6-расм).



4.6-расм. Текширилаётган беморларда даводан кейин ПКТ миқдорининг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (нг/л)

Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда эса ПКТ миқдори $0,03 \pm 0,04$ нг/мл бўлиб, назорат гуруҳидаги беморларда $0,03 \pm 0,003$ нг/мл ни ташкил этди. ПКТнинг даводан кейинги кўрсаткичлари даводан олдинги кўрсаткичлар билан солиштирилганда даводан олдин касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ПКТ миқдори даводан кейинги кўрсаткичлар меъёрлашгани кўзга ташланади.


Даводан кейин коронавирус инфекция билан касалланган беморларда ўтказилган ИФА текшируви натижалари таҳлили қилинганда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ферритин $164 \pm 34,3$ нг/мл, ПКТ миқдори $0,027 \pm 0,03$ нг/мл ни ташкаил этди. Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда ферритин $162,9 \pm 27,3$ нг/мл, ПКТ миқдори эса $0,03 \pm 0,03$

нг/мл эканлиги қайд этилди (4.3-жавдвал).

Коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир ва оғир шакли билан касалланган беморларда кузатилган симптомлар бир-биридан кам миқдорда фарқ қилиши аниқланди. Даводан кейин коагулограмма, СРО ва ИФА таҳлили натижаларида касалликдан олдинги даврга қараганда ижобий ўзгаришлар пайдо бўлганлиги кузатилди. Қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлилларида эса сезиларли ўзгаришлар аниқланмади.


§4.4. COVID-19 билан касалланган беморларда ўтказилган коагулограмма натижалари

Тадқиқот давомида коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда даводан кейин коагулограмма натижалари таҳлил қилинганда қўйидагича натижалар олинди: ПТВ назорат гуруҳида ўртача $11,3 \pm 0,47$ сек., касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача $12,62 \pm 0,2$ сек. эканлиги аниқланди (4.7-расм).



4.7-расм. Текширилаётган беморларда даводан кейин ПТВ касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (сек)

Даводан кейин текширилаётган гуруҳларда ПТИ кузатилганда қуйидагича натажалар олинди: назорат гуҳида ўртача $91,5 \pm 3,6\%$, касалликнинг ўрта оғир шаклида ПТИ ўртача $114 \pm 3,96\%$, оғир шаклидаги беморларда ПТИ ўртача $122 \pm 12,95\%$ эканлиги аниқланди (4.8-расм).



4.8-расм. Текширилаётган беморларда ПТИ касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (%)

Даводан кейинги натажалар таҳлилида касалликнинг ўрта оғир

ва оғир шакли билан касалланган беморларда протромбин индексининг назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган ПТИ кўрсаткичларга нисбатан юқори эканлиги кўрилди.

Коагулограмма натижалари таҳлилида МНО ёки халқаро нормаллаштирилган нисбатда (ХНН) ҳам ўзгаришлар аниқланди (4.4-жадвал).

Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг даводан кейинги
коагулограмма натижалари, $M \pm m$

Коагулограмма	Ўрта оғир	Оғир	Назорат
D-димер (мкг/л)	211,94±63,1 ^{**}	264,1±36 ^{***}	125,4±8,8
ПТВ (сек)	12,62±0,2 ^{**}	14,3±1,63 [*]	11,33±0,47
ПТИ (%)	114±3,96 ^{***}	122±12,95 ^{**}	91,54±3,6
МНО	0,94±0,01 ^{***}	0,94±0,01 ^{***}	0,85±0,01
ФИБ (мг/л)	3198±101,3 [*]	3293±80,1 [*]	2935,9±168,7
АЧТВ (сек)	18,94±4,4 [*]	18,3±0,6 [*]	17,1±0,53
APHL IgG (u/ml)	10,2±1,4	11,1±3,2	10±0,5
APHL IgM (u/ml)	10,8±2,2	11,4±2,8	11±0,5

Эслатма: * - $P > 0,05$; ** - $P < 0,05$; *** - $P < 0,001$; назорат гуруҳи билан солиштирилаётган гуруҳдаги беморларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлиги


Бунда МНО назорат гуруҳида ўртача $0,85 \pm 0,01$, касалликнинг ўрта оғир шаклидаги беморларда ўртача $0,94 \pm 0,01$, касалликнинг оғир шаклида эса унинг қиймати ўртача $0,94 \pm 0,01$ ни ташкил этди.

Кейинги кўрсаткич сифатида коагулограмма таҳлилида фибриноген (ФИБ) аниқланди (4.9-расм).

Касалликнинг ўрта оғир шаклида ўртача $3198 \pm 101,3$ мг/л, касалликнинг оғир шаклида ўртача $3293 \pm 80,1$ мг/л, назорат гуруҳидаги беморларда ушбу кўрсаткич ўртача $2935,9 \pm 168,7$ мг/л ни ташкил этди (фибриногеннинг нормал миқдори 2-4 мг/л).


АЧТВ назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $17,1 \pm 0,53$ секундни,

коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган Беморларда ўртача $18,94 \pm 4,4$ сек. ни ташкил этди (4.10-расм).



4.9-расм. Текширилаётган беморларда фибриноген миқдорининг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (мг/л)

Коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда даводан кейин қад этилган АЧТВ кўрсаткичи (ўртача $32,94 \pm 4,4$ сек.) касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморлардаги кўрсаткичларга (ўртача $28,3 \pm 0,6$ сек) нисбатан юқори эканлиги қайд этилди.




4.10-расм. Текширилаётган беморларда АЧТВ нинг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (сек)

Текширилаётган гуруҳдаги беморларда даво қўлланилганидан кейин коагулограмма натижалари тахлил қилинди ва сезиларли даражада яхшиланиш кузатилди. ПВ ва фибриноген миқдори эса назорат гуруҳидаги беморларда қайд этилган натижаларга яқинлашди.

Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда даводан кейинги D-димер миқдори расмда келтирилган (4.11-расм).


Коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда D-димер миқдори текширилганда унинг миқдори ўртача $211,94 \pm 63,1$ мкг/л, назорат гуруҳидаги беморларда эса ушбу кўрсаткич ўртача $125,4 \pm 8,8$ мкг/л ни ташкил этди. Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда D-димер миқдори ўртача $264,1 \pm 36$ мкг/л ни, назорат гуруҳида эса ўртача $125,4 \pm 8,8$ мкг/л эканлиги аниқланди (нормада D-димер даражаси 0,0-500,0 мкг/л)

D-димер даражаси касалликнинг ўрта оғир шаклидаги беморларда касалликнинг оғир шаклидаги беморларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди.



4.11-расм. Текширилаётган беморларда даводан кейин D-димер миқдорининг касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариши (мкг/л)

Даволаш муолажаларидан кейин APHL IgG миқдори таҳлили қилинганда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ушбу кўрсаткич ўртача $10.2,0 \pm 1,4$ u/ml, оғир шакли билан касалланганларда ўртача $11,1 \pm 3,2$ u/ml ва назорат гуруҳдаги беморларда эса ўртача $10 \pm 0,5$ u/ml эканлиги аниқланди. APHL IgM миқдори коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача $10,8 \pm 2,2$ u/ml, касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача $11,4 \pm 2,8$ u/ml ва назорат гуруҳидаги беморларда эса ўртача $11 \pm 0,5$ u/ml ни ташкил этди (4.12-расм).



4.12-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларнинг даводан кейинги АФЛ антителалар кўрсаткичлари

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, коронавирусли

инфекция билан касалланган беморларда кузатилган асоратларга эътибор қаратилганда уларнинг аксариятида (36,6%) икки томонлама пневмония нафас етишмовчилиги I даража, бронхит (30%) пайдо бўлганлиги қайд этилди.

Шундай қилиб, касалиikka чалинган беморларни даволангандан кейин уларда лаборатор текширишларда ижобий натижалар қайд этилди. ҚУТ таҳлилида Лимфоцитлар миқдори назорат гуруҳида қайд этилган натижаларга яқинлашди ва қолган параметрларни меъёрлашгани кузатилди.

Қоннинг биокимёвий таҳлилида цитолитик синдром индикаторлари (АЛТ, АСТ) ни нисбатан пасайганлиги, аммо назорат гуруҳига нисбатан юқорилиги, альбумин миқдорини эса сезиларли даражада пастлиги аниқланди.

Яллиғланиш индикаторларидан СРО, ПКТ ва ферритин кўрсаткичлари томонидан ўзгаришлар кузатилиб, СРО ва ферритин миқдори ишончли равишда камайди. ПКТ миқдори эса меъёрлашди.

Коагулограмма натижаларига эътибор қаратиладиган бўлса, D-димер ва ФИБ миқдори назорат гуруҳига нисбатан юқорилигича қолганлиги ва антифосфолипид антителалар миқдорининг меъёрлашгани, ПТВ тезлигини ошганлиги аниқланди.

Юқоридаги маълумотлар асосида қон ивиш кўрсаткичларини диагностик ва прогностик аҳамияти ўрганилиб, илк бор COVID-19 да оддий лаборатория маркерлари асосида коагулопатияни бошқариш алгоритмини ишлаб чиқилди (илова тақдим қилинади).

ХОТИМА

2019-йил декабр ойида Хитойнинг марказий қисмидаги Хубей провинцияси пойтахти Ухан шаҳрида жамият томонидан юқтирилган ўткир этиологияли ўткир SARS эпидемияси ҳақида хабар берилган эди. Янги коронавирус бўлиб чиққан қўзғатувчи аввалроқ одам

папуляциясида аниқланмаган эди ва SARS-CoV-2 номини олди. 2020-йил 11-март куни ЖССТ янги коронавирус инфекцияси (ЯКВИ) эпидемиясини пандемия деб эълон қилди [171]. 21.01.2023 ҳолатида 673.280.115 млн одамга юқиб, 673.280.115 млнга яқин одамнинг ёстиғини қуритди. Республикамизда эса 250.360 одамга юқиб, 1637 ўлим ҳолатларига олиб келди [102; 166-171-б.].

SARS-CoV-2 нинг марказий асаб тизимига тўғридан-тўғри вирус ҳужуми ва бевосита "цитокин бўрони" ривожланиши туфайли таъсир қилиш қобилияти қайд этилган [120; 919–929-б., 164; 109-б.].

Буйраклар ўпкадан ташқари органлардан бири бўлиб, улар ЯКВИ дан тез-тез таъсирланади, айниқса, оғир касалликлари бўлган беморларда кўп кузатилади [49; 829-838-б., 58; 76–83-б., 134; 590–592-б., 163; 267–276-б., 193; 1054-1062-б.].

SARS-CoV-2 инфекцияси пайтида жигар шикастланишининг патофизиологияси, асосан, ўртача стеатоз, лобуляр ва портал яллиғланиш, марказлаштирилган ва перипортал соҳаларда апоптоз ва некроз ўчоқлари, синусоид, марказий венада тромбоцит-фибрин тромбларининг шаклланиши ёки портал вена билан тавсифланади [58; 76–83-б.].

Кўпгина тадқиқотларга кўра, SARS-CoV-2 инфекциясининг ўртача турғунлик даври 4-5 кунни ташкил этган, аммо 14 кундан ортиқ турғунлик даври ҳақида хабар берилган [107; 1199–1207-б. 139; 102327-б.].

Вируснинг тез тарқалишининг асосий сабабларидан бири бўлган асимптоматик ёки енгил шакллар барча ҳолатларнинг тахминан 30-60% ни ташкил қилади [172; 934-943-б.]. Кўпгина тадқиқотларга кўра, оғир шаклларнинг улуши тахминан 10% ни ташкил қилади [12; 296-299-б., 22; 446-449-б., 109; 491-б., 177; 548-551-б.].

Энг кенг тарқалган шикастланиш нафас олиш тизимидир [132; 1966-б.]. Нафас олиш йўллари шикастланишининг клиник

вариантлари юқори нафас йўлларининг ўткир инфекцияси, пневмония ва ўРДС ривожланишини ўз ичига олади.

Вирусли инфекция ўсиб бориши билан беморларда нафас қисилиши, кислород билан тўйинганликнинг пасайиши, лимфопения ва ўпка кўринишида интралобуляр иштироки билан альвеоляр экссудат каби вирусли пневмонитнинг характерли белгилари пайдо бўлади [37; 176-б.].

Тадқиқот давомида текширилаётган гуруҳдаги коронавирусли инфекция билан зарарланган беморда бир нечта текшириш усуллари ўтказилди. Хусусан клиник ва лаборатор текшириш усуллари кенг фойдаланилди. Беморлар коронавирусли инфекцияни даволашдан олдин ва кейин текширувдан ўтказилди. Дастлаб коронавирус билан касалланган беморлар ёши бўйича 5 та гуруҳга 20-29, 30-39, 40-49, 50-59, 60 ва ундан катта ёшдагиларга ажратилди. Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача ёш $45,3 \pm 2,2$, касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда $46,4 \pm 2$ эканлини аниқланди. Тадқиқот давомида текширилган беморлар жинси бўйича таснифланганда касалликнинг ҳар иккала оғирлик даражасидаги беморларда ҳам аёллар сонининг кўплиги эътиборни тортди. Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларнинг 53,1% ини, оғир шакли билан касаллаганларнинг эса 53,5 % ни ташкил этди.

Тадқиқот давомида COVID-19 билан касалланган беморлар кузатилаётган клиник белгиларнинг учрашига қараб таснифланди. Клиник белгилар сифатида йўтал, балғам ажралиши, нафас қисилиши, томоқ оғриғи, қон аралаш балғам, анорексия, диарея, кўнгил айниши, қусиш, қоринда оғриқ, бош оғриғи, чарчаш, бош айланиши, таъм билишнинг йўқолиши, ҳиднинг йўқолиши, миалгия, чалкашликлар, тиршишлар, конъюнктивит, кўздан ёш оқиши кабилар кузатилди. Коронавирусли инфекция сабабли пайдо бўладиган клиник

белгиларга эътибор қаратилганда йўтал жами 92 нафар беморда кузатилганини кўриш мумкин. Улардан 33 нафари касалликнинг ўрта оғир шакли билан қолган 59 нафари эса касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда қайд этилди. Балғам ажралиши касаллик давомида кўп кузатилган симптомлар қаторига киради. Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланганларнинг 49% и, оғир шакли билан касалланганларнинг 57,7% ида балғам ажралиши кузатилди. Жами 65 (54,2%) беморда ушбу симптом қайд этилди. Нафас қисилиши касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган 25 (59,2%) беморда, оғир шакли билан касалланганларнинг эса 41 (57,7 %) да аниқланди.

Zhang et al. (2020) 28 нафар бемор орасида ўпка раки (25,0%) кўп учраган рак тури сифатида рўйхатга олинган. Беморлар қабул қилинганда тагна ҳароратининг кўтарилиши (82,1%), қуруқ йўтал (81%), ҳолсизлик (64,3%) ва ҳансираш (50,0%) энг кўп кузатилган белгилар ҳисобланади[190; 894–901-б.].

Chen N. et al. (2020) тадқиқоти шуни кўрсатадики, бу беморларда тана ҳарорати кўтарилиши (83%), йўтал (82%) ва ҳансираш (31%) асосий симптомлар ҳисобланади. Бундан ташқари, диарея (2%) кўнгил айнаши ва қусиш (1%) беморларда юзага келган ОИТ нинг асосий белгилари ҳисобланган [47; 1–6-б.].

Бош оғриғидан касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган 49 нафар беморнинг 41 нафари (83,7%) азият чекаётганлиги аниқланди. Касалликнинг оғир шакли билан касалланган 71 нафар бемордан 64 нафарида бош оғриғи кузатилди. Бу COVID-19 оғир шакли билан касалланган 120 нафари беморларнинг 90,1% ини ташкил этади. Текширилаётган жами беморларнинг 105 нафарида яъни 87,5 % ида ушбу белги борлиги аниқланди.

Чарчаш COVID-19 ўрта оғир шакли билан касалланган жами 49 нафар беморнинг 40 (81,6 %) нафарида чарчаш белгиси мавжудлиги

қайд этилди. Чарчаш белгиси 120 нафар беморнинг 104 нафарида (86,7%) қайд этилди. Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланганлар орасида 13 кишида (26,5%), оғир шакл билан касалланганлар орасида эса 24 кишида (33,8%) бош айланиши борлиги қайд этилди. Таъмнинг йўқолиши касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларнинг 13 (26,5%) нафарида ҳиднинг йўқолиши эса 14 (28,6%) нафарида кузатилди. COVID-19 коронавирусли инфекциясининг оғир шакли билан касалланган 71 нафар беморни 35,2 фоизда яни 25 нафарда, ҳиднинг йўқолиши эса 24 нафар беморда яъни 33,8 фоизда қайд этилди.

Ҳид ва таъмнинг бузилиши COVID-19 белгилари сифатида қайд этилди. Улар бошқа классик аломатларининг пайдо бўлиши ҳақида дарак бериши, ёки COVID-19 симптомлари билан биргаликда ёхуд якка ҳолда пайдо бўлиши мумкин. COVID-19 нинг 59 та ҳолатини ўрганган тадқиқот натижаларига кўра, беморларнинг деярли 34 фоизи ҳид ва/ёки таъм сезгирлигини бошдан кечиришган [71; 889-890-б.]. Енгил ва ўртача оғирликдаги COVID-19 касаллигига чалинган 417 беморларни кенгроқ қамраб олган текширув асосида ўтказилган бошқа тадқиқот шуни кўрсатдики, беморларнинг 85% дан кўпроғи таъм ва/ёки ҳиднинг бузилишини [104; 2251-2261-б.] бошдан кечирдилар.

Wu P, Duan F, Luo C, et al. (2020) аниқлашича, тасдиқланган COVID-19 беморларининг учдан бир қисми конъюнктивитнинг клиник белгилари кузатилган [173; 575-578-б.]. Касалликнинг оғир шакллари бўлган беморларда бу тез-тез учраши ҳақида хабар берилган. Конъюнктивитнинг клиник белгилари бўлган COVID-19 билан оғриган беморларнинг 16,7 фоизда ЗПР ёрдамида фарингеал ва конъюнктивал суртмаларни таҳлил қилиш натижалари ижобий бўлган [9; с.115-121-б., 25; 176-179-б., 173; 575-578-б.].

Тадқиқотимиз натижаси кўрсатишича, касалликнинг ўрта оғир

шакли билан оғриган беморларнинг 11 нафари (22,4%), оғир шакли билан касалланган беморларнинг 17 нафарида (34,7%) конъюнктивит қайд этилди. Жами беморларда 28 нафарида (23,3%) коронавирусли инфекция сабабли конъюнктивит борлиги аниқланди. Оғир шакли билан касалланган беморларнинг 8 (11,3%) нафарида кўздан ёш оқиши, касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган 4 нафар беморларга (8,2%) қараганда кўпроқ учраши қайд этилди. Бу ҳолат юқоридаги маълумотларга мос келади.

Galván Casas ва бошқалар маълумотларига кўра, макулопапулез тошмалар барча тери кўринишларининг 47% ни ташкил қилган [69; 71–7-б.]. Бошқа вариантлар орасида тери ангиити, эритематоз ва везикуляр тошмалар, аллергик дерматитнинг турли шакллари қайд қилинган [68; 32126–5, 119; 884-885-б., 138; 212-3-б., 162; 551-552-б.].

Кузатув остидаги беморларнинг 25 нафари терида муаммолардан шикоят қилган. Беморлар терисида асосан ангиит, эритематоз, эшакеми ва кам ҳолларда пуфакчаларнинг бўлиши кузатилди. Касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларнинг 2 нафарида ангиит (4,1%), 2 нафарида эритематоз (4,1%) ва 1 нафарида (2%) эшакеми аниқланди. Касалликнинг оғир шаклидан азият чекаётган беморларнинг 8 нафарида (11,3%) ангиит, 5 нафарида (7%) эритематоз, 4 нафарида (5,6%) эшакеми ва қолган 3 нафар (4,2%) бемор терисида пуфакчалар мавжудлиги қайд этилди. Натижалар таҳлил қилинганда жами беморларнинг 8,3% ида ангиит, 5,8% ида эритематоз, 4,2 % ида эшакеми ва 2,5 % ида пуфакчалар борлиги аниқланди.

Қатор олимларнинг фикрича, лейкоцитлар сони нормал, камайган, ёки кўпайган бўлиши мумкин [193; 1054–1062-б.; 166; 1061-1069-б.]. Мета-таҳлил [81; 1021-1028-б.] маълумотларига кўра, лейкоцитоз, лимфопения ва тромбоцитопения COVID-19 ҳолатларида кўпроқ оғир ва ҳатто ўлим билан боғлиқ.

Бизнинг тадқиқотларда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда лейкоцитлар ўртача $7,13 \pm 0,5 \times 10^9$ /л, назорат гуруҳидаги беморларда эса ўртача $5,01 \pm 0,14 \times 10^9$ /л ни, лимфоцитлар ўртача $1,34 \pm 0,11\%$, назорат гуруҳида ўртача $1,31 \pm 0,12\%$, оғир шаклида эса лейкоцитлар ўртача $6,9 \pm 0,48 \times 10^9$ /л, назорат гуруҳидаги беморларда эса ўртача $5,01 \pm 0,14 \times 10^9$ /л ни, лимфоцитлар $1,4 \pm 0,09\%$ ташкил қилган

Guan et al. (2020) маълумотларига кўра бир қанча беморларда аспаратаминотрансфераза (АСТ) (>40 Б/л; 22,2%), баъзи беморларда аланинаминотрансфераза (АЛТ) (>40 Б/л; 21,3%), яна бошқа беморларда эса умумий билирубин миқдорининг ($>17,1$ мкмоль/л; 10,5%) ошиши кузатилган. Текширувларимизнинг натижалари шуни кўрсатдики, ўртача оғирлик шаклида АЛТ ўртача $52,96 \pm 5,5$ Б/л, АСТ ўртача $46,08 \pm 4,5$ Б/л, оғир шакли билан оғриганларга АЛТ ўртача $60,7 \pm 6,25$ Б/л, АСТ ўртача $50,3 \pm 5,2$, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $21,2 \pm 2,35$ Б/л эканлиги ҳамда назорат гуруҳига нисбатан статистик ишончли равишда юқори даражада қайд этилганини кўрсатиб ўтиши лозим.

Кейинги изланишлар шуни кўрсатдики, COVID-19 билан касалланган беморларда яллиғланиш индикаторларидан СРО, ПКТ ва ферритин кўрсаткичлари томонидан ўзгаришлар кузатилиб, касаллик кечиш оғирлигига мос ҳолда статистик ишончли кўпайган, бу эса яллиғланишга қарши препаратларни буюришга асос бўлган.

Қатор олимлар ўз тадқиқотларида 183 нафар COVID-19 беморининг ретроспектив тадқиқотида [155; 844–847-б.], протромбин вақти, D-димер ва касалхонага ётқизилганида ўлчанган фибрин/фибриноген деградацияси маҳсулотлари мос равишда тирик қолган беморларда тирик қолмаганларга қараганда юқори бўлганлигини кузатишган [8; 645–657-б., 11; 450-455-б.].

Олиб борилган текширишлар шуни кўрсатдики, касалликнинг

ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда D-димер миқдори текширилганда унинг миқдори ўртача $357,9 \pm 42,15$ мкг/л, назорат гуруҳидаги беморларда эса ушбу кўрсаткич ўртача $125,4 \pm 8,8$ мкг/л ни ташкил этди. Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда D-димер миқдори ўртача $391,3 \pm 69,46$ мкг/л ни, назорат гуруҳида эса ўртача $125,4 \pm 8,8$ мкг/л, ПТВ эса назорат гуруҳида ўртача $11,3 \pm 0,47$ сек, касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача $12,62 \pm 0,2$ сек эканлиги аниқланди.

Frater et al., 2020 [67; 11–18-б., 2; с.518-521-б.] томонидан ўтказилган текширувга кўра, бир нечта оғир касал беморлар коагулопатия, антифосфолипид антителоларнинг ривожланиши ва мия инфаркти каби артериал ва веноз тромботик ҳолатларнинг кўпайиши ҳақида хабар беришган [67; 11–18-б., 2; 518-521-б.].

Олиб борилган текширишлар шуни кўрсатдики APHL IgG миқдори таҳлили қилинганда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ушбу кўрсаткич ўртача $14,0 \pm 1,4$, оғир шакли билан касалланганларда ўртача $18,1 \pm 3,2$ ва назорат гуруҳидаги беморларда эса ўртача $10 \pm 0,5$ u/ml эканлиги аниқланди. APHL IgM миқдори коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача $12,8 \pm 2,2$, касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда ўртача $15,4 \pm 2,8$ ва назорат гуруҳидаги беморларда эса ўртача $11 \pm 0,5$ u/ml ни ташкил этди.

Олинган гемостатик кўрсаткичлар асосида қон ивиш кўрсаткичларини диагностик ва прогностик аҳамияти ўрганилиб, илк бор COVID-19 билан боғлиқ коагулопатия хавфини аниқлаш шкаласи ишлаб чиқилди.

Вирусли пневмониянинг ривожланиши, кўплаб тадқиқотларга кўра, беморларни касалхонага ётқизишнинг энг кенг тарқалган сабабидир [38; 283-б.]. Шу билан бирга, беморларнинг 80% дан ортиғи умумий бўлимларда ва фақат озчилик реанимация бўлимларида

касалхонага ётқизилган [59; 1985-б.]. Хитойда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, COVID-19 билан касалхонага ётқизилган беморларнинг 16 фоизи оғир пневмонияга учраган ва фақат 5 фоизи реанимация бўлимига ётқизишни талаб қилган [86; 15–21-б.].

Тадқиқот давомида текширилаётган беморлар рентген текширувидан ўтказилгандан кейин қуйидагича натижалар олинди: коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморлардан 5 нафарида (10,2%), оғир шакли билан касалланганларнинг 4 нафарида (5,7%) икки томонлама пастки қисм пневмония борлиги аниқланди. Текширишлар натижасида касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланганларнинг 5 нафарида (10,2%), оғир шакли билан касалланганларнинг 9 нафарида (8,5%) икки томонлама интерстициал пневмония кузатилди. Икки томонлама пневмония эса коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларнинг 15 нафарида (30,6%), оғир шакли билан касалланганларнинг 19 нафарида (26,8%) да қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 апрелдаги 82- сонли буйруғи билан тасдиқланган "COVID-19 коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик тавсияларни (8-таҳрир) тасдиқлаш тўғрисида"ги услубий кўрсатмаси асосида даво муоложалари ўтқазилди.

Касаликка чалинган беморларни даволангандан кейин уларда лаборатор текширишларда ижобий натижалар қайд этилди. ҚУТ таҳлилида Лимфоцитлар миқдори назорат гуруҳида қайд этилган натижаларга яқинлашди ва қолган параметрларни меъёрлашгани кузатилди.

Қоннинг биокимёвий таҳлилида цитолитик синдром индикаторлари (АЛТ, АСТ) ни нисбатан пасайганлиги, ammo назорат гуруҳига нисбатан юқорилиги аниқланиб, касалликнинг ўрта оғир

шакли билан касалланган беморларда АЛТ ўртача $31,16 \pm 4,7$ Б/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $22,4 \pm 2,46$ Б/л, АСТ ўртача $28,78 \pm 3,72$ Б/л, назорат гуруҳидаги беморларда ўртача $21,2 \pm 2,35$ Б/л ни ташкил этди.

Даводан кейин коронавирус инфекция билан касалланган беморларда ўтказилган ИФА текшируви натижалари таҳлили қилинганда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда ферритин $164 \pm 34,3$ нг/мл, ПКТ миқдори $0,027 \pm 0,03$ нг/мл ни ташкил этди. Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда ферритин $162,9 \pm 27,3$ нг/мл, ПКТ миқдори эса $0,03 \pm 0,03$ нг/мл эканлиги қайд этилди. Текширилаётган гуруҳдаги беморларда даводан кейин С-рекатив оқсил текширилганда касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда $8,4 \pm 1,07$ мг/л га, оғир шакли билан касалланган беморларда $9,7 \pm 1,29$ мг/л га тенг эканлиги аниқланди. Назорат гуруҳидаги беморларда эса ушбу кўрсаткич $3,7 \pm 0,29$ мг/л ни ташкил этди

Шундай қилиб, яллиғланиш индикаторларидан СРО, ПКТ ва ферритин кўрсаткичлари томонидан ўзгаришлар кузатилиб, СРО ва ферритин миқдори ишончли равишда камайган бўлса, ПКТ миқдори эса меъёрлашди.

Коагулограмма натижаларига эътибор қаратиладиган бўлса, D-димер ва ФИБ миқдори назорат гуруҳига нисбатан юқориликча қолганлиги ва антифосфолипид антителалар миқдорининг меъёрлашгани, ПТВ тезлигини ошганлиги аниқланди. Коронавирусли инфекциянинг ўрта оғир шакли билан касалланган беморларда D-димер миқдори текширилганда унинг миқдори ўртача $211,94 \pm 63,1$ мкг/л, назорат гуруҳидаги беморларда эса ушбу кўрсаткич ўртача $125,4 \pm 8,8$ мкг/л ни ташкил этди. Касалликнинг оғир шакли билан касалланган беморларда D-димер миқдори ўртача $264,1 \pm 36$ мкг/л ни, назорат гуруҳида эса ўртача $125,4 \pm 8,8$ мкг/л эканлиги аниқланди.

Касалликнинг ўрта оғир шаклида ўртача $3198 \pm 101,3$ мг/л, касалликнинг оғир шаклида ўртача $3293 \pm 80,1$ мг/л, назорат гуруҳидаги беморларда ушбу кўрсаткич ўртача $2935,9 \pm 168,7$ мг/л ни ташкил этди. Юқоридаги маълумотлар асосида қон ивиш кўрсаткичларини диагностик ва прогностик аҳамияти ўрганилиб, илк бор COVID-19 да оддий лаборатория маркерлари асосида коагулопатияни бошқариш алгоритмини ишлаб чиқилди.

